2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 195 (1794), 2026 йил 20 сентябрь, якшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ОРОЛБЎЙИНИНГ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ХАРИТАСИ: ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК, “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА, САНОАТ РИВОЖИ ВА ЮҚОРИ ДАРОМАД

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 18-19 сентябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.





Мамлакатимиз етакчиси икки кунлик сафари давомида саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт, транспорт, туризм ва спорт соҳаларидаги лойиҳалар, аҳоли бандлигини таъминлаш ва маҳаллаларни ободонлаштириш борасидаги ишлар билан танишди. Шунингдек, бир қатор янги лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилишига старт берди.

Давлатимиз раҳбари 19 сентябрь куни Нукус шаҳрида Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Қорақалпоғистондаги кенг кўламли, аниқ мақсадли ислоҳотлар самараси одамлар ҳаётидаги ўзгаришларда яққол кўзга ташланади. Бу янги Ўзбекистонда инсон қадри ва манфаати ҳар нарсадан устун қўйилган сиёсат мевасидир. Бинобарин, кейинги ўн йилда қилинган эзгу ишлар халқимизни янги ютуқларга етаклаяпти, буюк бунёдкорлик ишларига руҳлантиряпти. Таъбир жоиз бўлса, ўтаётган ҳар бир кунимиз мамлакатимизнинг янги тарихига унутилмас воқеаларга бой бўлиб муҳрланмоқда.

Хусусан, 18-19 сентябрь кунлари қорақалпоқ диёри ва бағрикенг, самимий, меҳнаткаш, танти аҳолиси ҳаётида унутилмас воқеалар юз берди. Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг Оролбўйи ҳудудига ташрифи доирасида иқтисодиётни юксалтиришга хизмат қиладиган қатор лойиҳаларга старт берилди. Президентимиз саноат корхоналари фаолияти билан танишди. Янги ишлаб чиқариш қувватлари, ижтимоий объектларни ишга туширишга старт берди. Ишбилармонлар билан учрашди. Нуронийлар, фаоллар ва ёшлар билан мулоқот қилди.

Президентимиз томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда Қорақалпоғистонни ривожлантиришга юксак эътибор қаратилиб, аҳоли ва тадбиркорларга алоҳида имтиёзлар берилмоқда. Бу каби қўшимча имконият ва енгилликлар туфайли одамларнинг ҳаёти енгиллашмоқда, кундалик турмуш тарзидаги муаммолар ечимини топиб бормоқда.

Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда сўнгги йилларда Қорақалпоғистон тубдан янгиланган, бунинг учун Оролбўйига катта маблағ ажратилгани, имтиёзлар пакети тақдим этилиб, шароитлар яратилгани алоҳида эътироф этилди.

Жумладан, фойда, ер ва мол-мулк солиқлари 2 карра, саноат учун электр тарифи 15 фоиз пасайтирилди. Ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланди. Натижада инвестиция муҳити яхшиланиб, сармоядорларнинг ҳудудга қизиқиши ошмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида Қорақалпоғистонга 1 миллиард 700 миллион долларлик инвестиция киритилгани ва бу кўрсаткич беш йил олдингига қараганда 22 баробар кўп экани сўзимиз тасдиғидир. Пировардида бу йил Қорақалпоғистон иқтисодиёти энг тез ўсаётган ҳудудлардан бирига айланди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳудуд иқтисодиёти 10,2 фоиз ўсиб, Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринни эгаллади.

Электр энергияси — иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи муҳим манба. Мазкур йўналишда нечоғлик қулай шароит яратилса, инвестиция оқими ҳам шунчалик кўпаяди. Одамлар ҳаёти яхшиланиб, фаровонлик ортади. Шу жиҳатдан сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда 860 мегаваттли янги энергетика қувватлари ишга туширилгани ҳам диққатга сазовор. Мисол учун, Беруний ва Қораўзакда шамол станциялари қурилиши ҳисобига “яшил” энергия улуши 23 фоизга етказилди. Электр энергияси ишлаб чиқариш 4 карра ошиб, 5 миллиард 330 миллион киловатт-соатни ташкил этди. Бу аҳоли ва корхоналарнинг йиллик талабидан қарийб 3 баробар кўп.

Бундан ташқари, 2030 йилгача жами қуввати 3300 мегаваттли шамол станциялари ишга туширилиб, “яшил” энергия улуши 76 фоизга етказилади, 400 мегаваттли энергия сақлаш қуввати яратилади. Қисқаси, яқин келажакда Қорақалпоғистон “яшил” энергия ишлаб чиқариш бўйича минтақанинг энг йирик марказларидан бирига айланади. Ҳудудда табиий имконият — кенгликлар етарли. Ғоя, ташаббус, ишбилармонлик, эътибор ва қўллаб-қувватлов ана шу имкониятни юзага чиқаришда катта аҳамият касб этади. Муҳими, бу ерда ушбу асосларнинг барчаси мавжуд.

Йиғилишда аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилувчи лойиҳалар Қорақалпоғистоннинг ҳар бир туманида амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, Бўзатовда замонавий санаторий, Нукусда онкология ва радиология маркази, Қўнғиротда болалар шифохонаси ва туғруқхона ишга туширилди. Амударё ва Тўрткўлда ҳар бири 2000 ўринли амфитеатр, Нукус шаҳрида гимнастика маркази ва консерватория филиали фойдаланишга топширилди.

Осиё тараққиёт банки билан шерикликда 384 миллион доллар ҳисобига А-380 магистралининг Қўнғиротдан ўтган 240 километри тўлиқ бетон қопламага ўтказилди. Тўрткўл, Элликқалъа ва Берунийдан ўтган яна 92 километрини ётқизиш ишлари бошланди. Мазкур лойиҳа туфайли транзит 1,5 баробар ошади. Тўрткўлга кирган юклар Қозоғистон чегарасига 10 соатда етиб боради. Ҳозир ушбу муддат бир суткани ташкил этади.

Келаси йили март ойидан Тошкент — Нукус тезюрар поезди қатновга қўйилиб, сафар вақти 16 соатдан 7 соатга қисқаради. Бу йўловчилар учун жуда катта қулайликдир. Шунингдек, Туямўйин сув тозалаш иншоотини реконструкция қилиш ва Қўнғиротдан Мўйноққа 100 километр ичимлик сув тармоғини тортиш ишлари бошланади.

Йиғилишда ер, қазилма бойликлар, қуёш ва шамол, кенг яйловлар Қорақалпоғистоннинг бойликлари экани, улар асосида “ресурсдан тайёр маҳсулотгача” бўлган занжирни қамраб оладиган янги саноат ва инвестиция харитаси ишлаб чиқилиши қайд этилди. Бундан ташқари, “Қўнғирот — Қораўзак — Тахиатош” йўналиши Қорақалпоғистоннинг “яшил саноат йўлаги” — “интеллектуал иқтисодиёт учбурчаги”га айланади. Шу билан бирга, сунъий интеллект ва дата-марказ лойиҳалари учун ташкил этилган махсус зонада 8 миллиард долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилади.

Мутасаддиларга 1 октябргача беш йиллик дастур ишлаб чиқиб, инвесторлар учун 1 гигаватт қувватли барқарор электр таъминотини йўлга қўйиш топширилди. Уч йилда Нукус шаҳри, Қўнғирот, Қораўзак ва Тахиатошда 1500 юқори даромадли иш ўрни очиш, булутли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида йиллик экспортни 600 миллион долларга етказиш вазифаси белгиланди.

Қорақалпоғистон шароитида битта нуқтани ўстириб олиш осон иш эмаслиги кундек равшан. Нафақат ушбу ҳудудда, балки дунё бўйича иқлим ўзгариши таъсири сезилиб турган ҳозирги шароитда атроф-муҳит, табиатни асраш масаласи янада долзарб бўлиб бормоқда. Шундай экан, соҳага янгиликларни мунтазам қўллаб бориш жуда муҳим.

“Яшил” энергияни “карбон кредит”га айлантириш Қорақалпоғистонга йилига камида 50-100 миллион доллар даромад олиб келиши мумкинлиги қайд этилди. Мутасаддиларга бир ойда “карбон кредит” механизмини Қорақалпоғистонда йўлга қўйиш, Япония, Жанубий Корея, АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Австралия каби йирик импортёр давлатлар билан музокаралар ўтказиш вазифаси топширилди. “Карбон кредит” экспортидан тушадиган маблағлар инфратузилма учун ажратилаётган маблағларга қўшимча бўлади ва шу ерда қолади. Муҳими, йирик хорижий компаниялар “ўрмон карбон кредити” тизими орқали экологик вазияти оғир ҳудудларда дарахт экишни молиялаштириш бўйича таклифлар билдирмоқда. Шу боис, йил якунигача Оролнинг 50 минг гектар майдонида “ўрмон карбон кредити” дастурини бошлаш вазифаси қўйилди.

Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ 616 МИЛЛИОН СЎМЛИК МУКОФОТ ОЛЯПТИ

Янги Ўзбекистонда янги Қорақалпоғистоннинг ўқитувчиси бўлиш улкан шараф, сўз билан таърифлаб бўлмайдиган даражадаги катта бахт. Очиғи, бу гапларимда заррача муболаға йўқ. Кейинги йилларда педагогларнинг нуфузи ҳақиқатан жуда юксалди. Илгари бирор касб танлаш ҳақида гап кетса, “Ўқитувчи бўласан-да”, деган беписанд қараш бор эди. Ҳозир “Муаллимман”, десангиз, дарров қанча маош олишингизга қизиқишади.



Президентимизнинг сиёсий иродаси, ўқитувчиларга чексиз ҳурмати ва эътибори туфайли мажбурий меҳнатдан буткул қутулдик. Ойлик маошимиз адолатли тизим асосида ошириб борилмоқда. Турли имтиёз ва имкониятлар тақдим этиляпти. Бундан ташқари, танловлар ташкил қилиниб, ғолиблар муносиб тақдирланмоқда.

Хусусан, 19 сентябрь куни “Йил ўқитувчиси” танлови ғолиблари аниқланди. Унда Қорақалпоғистондан 17 нафар, республика бўйича эса 208 нафар ғолиб бор. Уларнинг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 1400 баравари миқдорида — ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра, 616 миллион сўм пул мукофоти берилади. Энди ҳисобланг: битта танлов миқёсида ўқитувчилар учун қанчалик катта маблағ сарфланяпти! Бу мамлакатимиз етакчисининг ўқитувчиларга кўрсатган эҳтироми, эътибори натижаси!

Давоми 2-бетда



Қадим “Авесто” замонларидан буён халқимизнинг асл моҳиятини, маънавий қиёфасини, ўзлигини белгилаб келаётган мумтоз тушунчалар ва тамойиллар бор. “Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал” ҳам ана шундай миллий қадриятларимиздан бирига айланган таянч ва суянч тамойиллар сирасига киради.



Ушбу асрий тамойил, айниқса, 2016 йилдан кейин, яъни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс асосларини барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар шиддат билан амалга оширилаётган ҳозирги даврда яққол намоён бўла бошлади.

Бугунги кунда жамиятимизнинг кундалик лексиконидан мустаҳкам жой эгаллаган “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” тушунчалари юртимиз тараққиётининг бугунини белгилаб бераётган ва халқимизнинг асрий орзу-интилишларини ифодалайдиган эзгу сўзларга, ҳаётимизнинг таянч атамаларига айланди.

Давоми 3-бетда

Нукус шаҳри, Нукус тумани ва Қораўзакда электротехника саноатида 200 миллион долларлик, Қораўзак, Бўзатов ва Берунийда энергия тежамкор қурилиш материаллари бўйича 100 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 20 сентябрь, 195-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ОРОЛБЎЙИНИНГ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ХАРИТАСИ: ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК, “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА, САНОАТ РИВОЖИ ВА ЮҚОРИ ДАРОМАД

Бошланиши 1-бетда

Йиғилишда, шунингдек, Қорақалпоғистонда 30 минг гектарда шўрга чидамли олхўри ва кечки ўрик плантацияларини ташкил этиш бўйича уч йиллик дастур амалга оширилиши айтилди. Бу ташаббус ҳам маҳаллий аҳолига қўшимча даромад келтириши, бандлигини таъминлаши ва ҳудудда янги боғлар пайдо бўлишига хизмат қилади.

Президентимиз Кегейлидаги 330 гектар шўр ерда барпо этилаётган саноатлашган боғни алоҳида қайд этди. Янги дастур доирасидаги 10 минг гектарда ишлар шу йил бошланади. Вилоят ҳокимлари 500 ва 1000 гектардан боғ яратишга масъул бўлади. Андижондан ер бўйича мутахассис ва деҳқонлар келиб, Кегейлида ишларни бошлаган.

Келгуси йил баҳордан Нукус туманида 10 минг гектар ерда қовун етиштирила бошлайди. Йил якунигача Испания, АҚШ, Нидерландия ва Хитойдан қовуннинг энг яхши навлари, уруғчилик ва агротехнология бўйича мутахассислар олиб келинади. Салоҳиятли инвесторлар жалб қилиниб, шу ернинг ўзида қовунни қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланадиган холдинг ташкил этилади. Нукус туманидаги техникум эса қовунчиликка мослаштирилиб, лаборатория ва синов полигони билан таъминланади.

Ушбу муассаса нафақат Қорақалпоғистон, балки Хоразм, Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарё деҳқонлари учун ҳам тажриба алмашиш бўйича методика маркази бўлади.

Ҳозиргача Қорақалпоғистон ҳудудининг атиги 20 фоизида геология ишлари ўтказилган. Келаётган йирик инвесторларга эса хомашё захиралари бўйича маълумотлар етарлича берилиши керак. Шу боис, бир ойда инвесторлар кўтарган масалаларни ҳал қилиб, 1000 иш ўрнига эга олтин қазиб олиш ва қайта ишлаш кластерини ташкил этиш, комплекс геология-қидирув дастурини ишлаб чиқиб, конлар захирасини қайта баҳолаш топширилди.

Қолаверса, Қўнғиротдаги “Борса келмас” конидан ҳар йили 1 миллион тонна техник туз қайта ишланмай сотилмоқда. Бўзатовдаги “Қусканатау” конида мирабилитни қайта ишлаб, йилига 45 минг тонна натрий сульфат, астраханитдан эса магний сульфат олиш мумкин. Германия компанияси Берунийдаги кварцит конига 30 миллион доллар киритиб, кристалл кремний ишлаб чиқариш ва йилига 25 миллион долларлик экспортни йўлга қўйишни режалаштирган. Жаҳон бозорида бир тонна кристалл кремний 5500 доллар туради. Кимё саноати мутасаддиларига дастлабки 400 миллион долларлик режага қўшимча 200 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш ва 5000 иш ўрни очиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда тармоқ раҳбарларига Қорақалпоғистонда “хомашё — тайёр маҳсулот — экспорт” занжири асосида лойиҳалар, иш ўринлари ва қўшилган қиймат бўйича аниқ режалар белгилаш топширилди. Айни мақсадда Амударё, Беруний, Тахтакўпир, Кегейли ва Тўрткўлда тўқимачилик ҳамда чарм саноатида камида 150 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади. Нукус шаҳри, Нукус тумани ва Қораўзакда электротехника саноатида 200 миллион долларлик, Қораўзак, Бўзатов ва Берунийда энергия тежамкор қурилиш материаллари бўйича 100 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади. Умуман олганда, 15 октябргача ҳар бир туман бўйича “road show”лар ўтказилади. Вилоят ҳокимлари ўз инвесторларини жалб қилиб, 2-3 минг юқори даромадли иш ўрни очадиган лойиҳаларни бошлайди. Ана шундай аниқ режалар катта марраларни белгилаш имконини бермоқда. Жумладан, келаси йили Қорақалпоғистонга 5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш вазифаси белгиланди. Бундай йирик сармоя келадиган ҳудудда эса камбағаллик, ишсизликка тўла барҳам берилиши керак.

Йиғилишда айни жиҳат — Қорақалпоғистонни камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, бунинг учун етарлича шароит яратилган. Хусусан, Қорақалпоғистондаги 2000 тадбиркор уч йилда 2 триллион 145 миллиард сўмлик кредитни вақтида қайтарган. Бундай ишбилармонлар банклар учун ишончли мижоздир. Шу жиҳат туфайли “мижозни ўстириш” модели асосида яна камида 30-40 минг одамни ишли ва даромадли қилиш имконияти бор. Ҳудудга масъул банк ишончли мижозлар учун 16 фоиз ставкада 300 миллиард сўмлик кредит линиясини очмоқда. Кредитнинг 4 фоизли қисмини Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси қоплаб беради. Натижада тадбиркор учун ставка 12 фоизга тушади. Қолган 8 та банкка ҳам бир ойда шундай қулай маҳсулотларни ишлаб чиқиш топширилди. Қорақалпоғистонда оилавий тадбиркорлик кредитлари ставкаси 17,5 фоиздан 12 фоизга туширилади.

Туман ҳокимлари шу йил иқтисодий ўсиш ва бандликка туртки берадиган яна иккитадан лойиҳани амалга оширади. Шу асосда 10 минг одамни даромадли қилади. Бунинг учун 100 миллиард сўм ажратилади.

Шунингдек, йиғилишда сувни тежаш, канал ва ариқларни бетонлаш борасидаги ишлар ҳам таҳлил қилинди. Масалан, Бўзатовдаги Эркиндарё каналининг 8 километрини бетонлаш ҳисобига фойдаланиладиган ер 3000 гектарга кўпаяди. Шунингдек, 15 минг гектарда сув таъминоти яхшиланади. Бундан ташқари, 3 та сув иншооти ва 22 та артезиан қудуқ барпо этилиши яна 5 минг гектар озуқа майдонини яратиш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, бу борадаги ишларни ҳам жадаллаштириш борасида аниқ вазифалар белгиланди.

Умуман, сув хўжалигидаги ислоҳотлар туфайли соҳада катта ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, ўтган йили 30 миллиард сўм ҳисобига 276 та сув насоси энергия тежамкорига алмаштирилди. Натижада йилига 16 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалмоқда. Бу борадаги вазифалар изчил давом этади. Жумладан, 1 апрелгача Қорақалпоғистондаги 59 та, қолган вилоятлардаги яна 200 та насос янгиланади.

Қорақалпоғистон — чорвачилик учун ҳам қулай ҳудуд. Ҳозир бу ерда 4 миллион 300 минг гектар яйлов бор. Шундан 2,5 миллион гектаридан аҳоли даромадини ошириш ва чорвани кўпайтириш учун етарлича фойдаланилмаяпти. “Беруний агростар” Қўнғирот, Беруний ва Чимбойда фойдаланишдан чиққан 2000 гектар ерни тиклаб, озуқа етиштиришга мослаштирмоқда. Келаси йили яна 5 минг гектар ўзлаштирилади. Бу 14 минг бош қорамол учун озуқа базаси бўлади. Бўзатовда ҳам 7500 гектар ерни озуқага мослаштиришга 100 миллиард сўм ажратилади. Озуқа етиштиришга ҳар гектар учун 500 минг сўм субсидия бериш бўйича ўн кунда қарор лойиҳаси киритиш вазифаси топширилди. Бундай топшириқларни бажаришда соҳада етарли тажриба тўплаган мутахассислар фикри муҳим. Шу боис, Миср тажрибасини ўрганиш учун 200 дан зиёд фермер, жумладан, қорақалпоғистонлик 26 фермер ушбу давлатга юборилган. Дастлабки босқичда Қорақалпоғистоннинг 20 минг гектар майдонида Миср тажрибаси йўлга қўйилади. Чўлларда озуқа етиштиришни кўпайтириш учун Мисрдан мутахассислар ва технологиялар жалб этилади. Умуман олганда, чорвачиликда йирик комплекслар ташкил этиш учун қўшимча имкониятлар яратилади.

Мазкур соҳани янада қўллаб-қувватлаш учун қорақалпоғистонлик чорвадорларнинг 1-2 минг бошли қорамолга мўлжалланган комплекслар ташкил этиши учун кредит миқдори 50 миллиард сўмгача ошириладиган бўлди. Энди Оролбўйи тадбиркорлари самолётда олиб келадиган наслли буқалар қийматининг 10 фоизи, ҳар бир бош учун 4 миллион сўмгача субсидия олади.

Тахтакўпирда Шинжон тажрибаси асосида озуқа етиштирилади. Қолаверса, Мўғулистон, Туркия, Хитой ва Австралиядан 5000 бош қўй-эчки олиб келиниб, Қорақалпоғистон шароитида кўпайтирилади. Бунинг учун бир ойда 1000 гектар ерни белгилаб бериш топширилди.

Давлатимиз раҳбари йил якунигача 10-15 минг гектарда лойиҳаларни шакллантириб, бир йилда 100 минг бош қўй-эчки боқишни йўлга қўйиш вазифасини белгилаб берди.

Ташрифнинг илк кунида Нукус шаҳрининг Ашшикўл ҳудудида 50 минг одамга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон” массиви — “Нукус сити” қурилиши бошланган эди. Бу ҳам Оролбўйи аҳолисининг қувончига сабаб бўлиб, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлади. Улар ҳозирданоқ 270 гектарда илғор архитектура ечимлари ва энергия тежамкор технологиялар асосида осмонўпар бинолар, бизнес, савдо ва сервис марказлари шаҳар кўркига нечоғлик файз бағишлаши ҳақида суҳбатлашмоқда.

Мамлакатимиздаги яна бир йирик лойиҳа сайр кўчаларидир. Нукусдаги Мустақиллик кўчаси ҳам шу асосда куну тун ишлайдиган масканга айланди. Натижада 28 тадбиркор иш бошлаб, яна 50 нафарининг фаолияти кенгайгани ҳисобига бир ҳафтада савдо тушуми 2 баробар ошди. Энди Қорақалпоғистонда бу тажриба янада мустаҳкамланиб, кенг қулоч ёзади. Жумладан, Нур ва Элобод маҳаллалари Олмазорнинг Қичқириқ маҳалласи намунасида обод қилинади. Наврўз байрамигача шу ердаги истироҳат боғида аҳолини жалб қиладиган замонавий маскан барпо этиш топширилди. Кегейлида эса 3,5 километр зовурни ёпиб, 100 та сервис объекти қуриш ишлари бошланган. Бунинг ҳисобига 320 та иш ўрни очилади. Қолган вилоят ҳокимларига ҳам Наврўзгача ўзига бириктирилган туманларда биттадан маҳалла ва марказий кўчада шундай лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси қўйилди. Обод қилинган кўча ва маҳаллаларга аҳолининг ўзи баҳо бериши, одамлар маъқул топса, ушбу кўчаларга уларни обод қилган вилоятлар номини бериш таклифи билдирилди. Бу номлар шунчаки атама эмас, халқимиз бирдамлиги, аҳиллигининг рамзи бўлади.

Йиғилишда ёшлар таълими, уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам таҳлил қилинди. Масалан, Қорақалпоғистонда 1 миллион 100 минг ёш бор. Уларнинг 505 минги 14-30 ёшгача бўлганлар. Давлатимиз раҳбари бу катта куч эканини, ёшларга тўғри йўналиш бериш муҳимлигини таъкидлади. Шунингдек, бир йилда 1000, келгуси икки йилда яна 5000 ёшни ахборот технологиялари ва логистика соҳасида юқори даромадли иш билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Бугун ишли бўлиш, катта даромад топиш учун уйдан олисга кетиш шарт эмас. Тил билиш, ахборот технологияларини пухта ўрганиш орқали ҳам шу мақсадга эришса бўлади. Жанубий Кореядаги ватандошимизнинг олис ҳудудлардаги ёшларга ахборот технологияларини ўргатиб, уларни юқори даромадли қилиш ташаббуси қўллаб-қувватланди. Йил якунигача шундай камида 10 иқтидорли ватандошни Қорақалпоғистонга жалб этиб, лойиҳалар бошлаш вазифаси топширилди. Шунингдек, Нукус шаҳридаги 1-техникумда йўлга қўйилган касбий таълим тажрибасини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Янги йилдан Амударё, Беруний, Чимбой ва Қўнғиротдаги биттадан техникумда ҳам шу тажриба йўлга қўйилади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда мактабгача таълим тизими тубдан ўзгарди. Қорақалпоғистоннинг энг чекка ҳудудларида янги боғчалар бунёд этилди. Натижада ҳудудда мактабгача таълим қамрови 84 фоизга етди. Бу борада ҳали бажарилиши зарур бўлган вазифалар борлиги таъкидланди. Ислоҳотларни жадаллаштириш учун энди Қорақалпоғистонда хусусий боғча очадиган тадбиркорларга 15 йил муддатга 5 йиллик имтиёзли давр билан 7 фоизли кредит берилади. Қолган вилоятларда кредит ставкаси марказдан узоқ-яқинлигига қараб, 7 фоиздан 15 фоизгача бўлади.

Қорақалпоғистонда тиббий хизматлар кўлами кенгайиб, сифати ошди. Масалан, Нукусдаги марказий шифохонада жигар ва буйрак трансплантацияси амалга ошириляпти. Оролбўйи болалар шифохонасида 150 турдаги юқори технологик тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Шу йил бош мия, юрак ва пластик жарроҳлик каби мураккаб йўналишларда 1500 та операция ўтказилди. Илгари бундай тиббий хизматлар учун ҳудуд аҳолиси олис йўл босиб, узоқ навбатлар кутишга мажбур эди. Галдаги вазифа ана шу ўсиш суръатини изчил давом эттириш экани қайд этилди. Бунинг учун ҳудудда тиббий суғурта механизми жорий этилди. Тиббиёт муассасаларига 10 миллион долларлик жиҳозлар олиб берилди. Ўзбекистонда биринчи марта хусусий шериклик асосида ташкил қилинган Нукус тиббиёт илмий академияси соҳа ходимлари билимини баҳолаш ва малакасини оширишда методик марказ бўлади. Қолаверса, Тиббиёт академияси, Болалар клиникаси, Онкология маркази ҳамда янги ташкил этиладиган кўп тармоқли шифохонани яхлит тизимга бирлаштириб, университет тиббий кластери ташкил қилинади.

Давлатимиз раҳбари қорақалпоқ элининг буюк фарзанди, шоир Бердақ Қарғабай ўғлининг “Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун, ўзим дема, ғамхўрлик қил халқ учун” деган ҳикматли сўзлари бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаганини таъкидлади. Келаси йили шоир ва мутафаккир Бердақ таваллудининг 200 йиллигини муносиб нишонлаш таклифи билдирилди.

Халққа хизмат қилиш борасидаги ҳикматни юрагига муҳрлаган қорақалпоқ халқи том маънода бунёдкорлик, ишбилармонлик кайфиятида яшамоқда. Бунинг туб замирида иқтисодий-ижтимоий масалалар ҳал этиб борилаётгани турибди. Уларнинг изчил ва барқарор давом этиши учун халқимиз, айниқса, ёшлар ўзлигини англаши, тарихга ҳурмат, келажакка ишончни ҳис этиши керак. Шу маънода, шоирнинг илмий-ижодий меросини ўрганиш, рақамлаштириш, асраб-авайлаш ва ёшларга етказишни қамраб олган дастурни бир ойда ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилиш якунида ҳудуд ва тармоқлар раҳбарларининг ахбороти тингланди, Қорақалпоғистон фаоллари билан мулоқот қилинди.

Шу билан Президентимиз Қорақалпоғистонга ташрифини якунлаб, Тошкентга қайтиб келди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

Дил изҳори

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ 616 МИЛЛИОН СЎМЛИК МУКОФОТ ОЛЯПТИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга ташрифи биз, ўқитувчилар учун ҳам катта қувонч олиб келди. Тиғиз иш куни, катта режа ва мислсиз лойиҳалар муҳокамасидан вақт ажратиб, Президентимиз биз билан мулоқот қилиб, қандай масалаларимиз борлигига қизикди. Муаллимларнинг обрўси баланд, мамлакат раҳбари уларга ҳурмат кўрсатган заминда ўсиш, ривожланиш бўлишини юртимиздаги ислоҳотлар мисолида кўриб турибмиз.

Президентимиз ўқитувчининг ойлик маоши 2000 доллар бўлишини айтганида унчалик ишонқирамай қараганлар ҳам бўлди. Бугун ўша гаплар айни ҳақиқатга айланди. Масалан, ўзим яратилган адолатли тизим натижасида 2000 доллар эквивалентида маош оламан. Бу йил эса “Йил ўқитувчиси” танловида иштирок этиб, ғолиб бўлдим ва 50 минг доллардан зиёд мукофотни қўлга киритдим. Бунга етиб келгунча ўз устимда ишладим, тинимсиз изланиб, соҳага меҳр бердим.



Нигора АЛЛАМБЕРГЕНОВА,
Қонликўл туманидаги
2-мактаб ўқитувчиси

Қонликўл туманидаги 2-мактабда ўзбек тили фани ўқитувчисиман. Меҳнат фаолиятимни 2008 йил Нукус шаҳридаги 38-мактабда бошлаганман. 2010 йилда бакалавриат, 2013 йилда магистратура босқичини ўзбек тили ва адабиёти бўйича тамомлаганман. 2023 йилда мустақил тадқиқотчи сифатида “Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нутқий маъноли фраземалар” мавзусида илмий ишимни ёқладим. 2020 ва 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида дарс ишланмаларим оммалашди. Шунингдек, 2023 йилда “Йилнинг энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси” танловининг республика босқичи ғолиби бўлдим.

Ўқувчиларим фан олимпиадаларида ғолиб бўлгани боис, Президентимизнинг тегишли қарори билан маошимга 100 фоиз, республика олимпиадаси ғолиби сифатида яна 100 фоиз устама тўланади. Ўзбек тили бўйича миллий сертификатдан А+ даражаси соҳибиман. Бунга 50 фоиз, шунингдек, вазир жамғармасидан 70 фоиз устама оламан. Қолаверса, илмий ишим борлиги учун 30, директор жамғармасидан ҳам 30 фоиз устама берилади. Қонликўл туманида филология йўналиши бўйича ментор сифатида фаолият юритяпман. Яъни ўқитувчиларга дарсни қай даражада ташкил этиш кераклиги бўйича ҳам семинарлар ўтяпман. Бир қанча ўқувчиларим ўзбек тилидан миллий сертификат эгаси.

Президентимизнинг ҳар гал ўқитувчилар ҳақидаги фикрларини эшитганимда катта ютуқларимиз ҳақида мулоҳаза юритаман. Кўнглимдан шунча имконият, шунча эҳтиром сабаб бундай ютуқлар ўқитувчи учун одатий иш тартиби бўлиши керак деган ўй ўтади.

ЎШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ЯНГИЛАНИШЛАРГА ҲИССА ҚЎШАЁТГАНИМИЗДАН МАМНУНМИЗ

Ёшим бир жойга етган бўлса ҳам, Яратганга шукр, саломатлигим яхши. Нуронийлар билан бирга маҳаллалардаги ишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшай деб ёшларнинг тарбиясига ҳам, ажралишларнинг олдини олишга ҳам бош-қош бўлиб юрибман.

Маҳаллалардаги фаол кексаларнинг ҳар бирига 5 тадан камбағал оилани бириктириб қўйдик. Уларни оғир турмуш тарзидан чиқариш учун бор имкониятдан фойдаланяпмиз, йўл-йўриқ кўрсатяпмиз.

Бугун фаолиятимизни кенгайтириб, ҳар бир нуронийга мактабни битирган, лекин ўқишга киролмаган, иш тополмаган, бўш юрган 10 нафардан ёшни бириктирдик. Асосий эътибор тарбияси оғир ўғил-қизларнинг жамиятда ўрин топишига қаратилмоқда. Бундай ёшлар билан мулоқотлар ўтказилиб, қизиқиши, лаёқатига қараб, бандлигини таъминлай бошладик. Бу борада иш ўрни очаётган тадбиркорлар билан ҳамкорлигимиз ҳам катта аҳамиятга эга бўляпти.

Президентимиз туманимизга ташриф буюриб, маҳалладошларимиз, фаолларимиз ва кексаларимиз билан суҳбатлашди. Учрашувда аҳолининг турмуши фаровонлиги, ҳудудлар ободлигини таъминлашга хизмат қилаётган ислоҳотларда нуронийлар ҳам фаол қатнашаётгани эътироф этилди.

Қорақалпоғистонда юқори технологик тиббий хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиб бормоқда. Жумладан, Нукусдаги марказий шифохонада жигар ва буйрак трансплантацияси амалга оширилмоқда. Оролбўйи болалар шифохонасида 150 турдаги юқори технологик тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Шу йил бош мия, юрак ва пластик жарроҳлик каби мураккаб йўналишларда 1500 та операция ўтказилди. Ҳудудда тиббий суғурта механизми жорий этилган. Тиббиёт муассасаларига 10 миллион долларлик жиҳозлар олиб берилди.



Жугинис ҚАЙИПОВ,
“Нуроний” жамғармасининг
Нукус туман бўлими раиси

Аҳоли маданий ҳордиқ чиқариши, сайр қилиши учун Нукус туманидаги анҳор бўйида куну тун фаолият юритувчи 1,5 километрли сайилгоҳ қурилди. Одамлар бу ерга келиб, сайр қилади, мароқли дам олади.

Бугунги ислоҳотларга камарбаста бўлиш — биз, оқсоқоллар учун катта бахт. Имкон қадар ҳозирги янгиланишлар, қурилиш ва ободонлаштириш ишларига улуш қўшаётганимиздан мамнунмиз. Келажаги буюк янги Ўзбекистонда, янги Қорақалпоғистондек файзли юртда яшаётганимиздан фахрланамиз.

МАҲАЛЛАДОШЛАРИМГА АСАЛАРИ БОҚИШНИ ЎРГАТИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАНМАН

Нукус туманидаги Дийқан арна маҳалласида 3600 дан зиёд одам яшайди. Маҳалламизда инвестиция дастури доирасида 4,5 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 60 ўринли замонавий боғча фойдаланишга топширилган бўлса, маҳаллий бюджетдан 1 миллиард сўм эвазига футбол ва воркаут майдончалари барпо этилган.

Асаларичилик маҳалламизнинг асосий драйверларидан. Ҳозир 20 дан ортиқ хонадонда асалари боқилмоқда. Ҳар бир хонадонда 50-100 қутидан асалари бўлиб, аҳоли асалдан яхшигина даромад олмоқда.

Ўзим 2018 йилдан буён асаларичиликни кенгайтириб келяпман. Хонадонимда асални қайта ишлаш цехини очганман. Шунингдек, асалари қутилари тайёрлашни ҳам йўлга қўйганмиз. Устахонамизда йилига 250 тадан ортиқ асалари қутиси тайёрланиб, қўшимча 80 миллион сўмгача даромад кўряпмиз. Энг асосийси, йилига 200-300 миллион сўм атрофида фойда оляпмиз. Шунинг орқасидан уйлар қуриб, фарзандларимизни ўқитиб, тўйлар қиляпмиз.

Президентимиз Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида бизнинг Дийқан арна маҳалласида бўлиб, аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишди. Давлатимиз раҳбари билан учрашув чоғида асаларичиликни янада ривожлантириш, камбағал оилалар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқчи эканимни айтдим. Президентимиз камтарона меҳнатларимни юқори баҳолаб, “Дўстлик” ордени билан мукофотлади. Албатта, бундай юксак сийловдан катта куч олиб, ушбу соҳани оммалаштириш ва маҳалладошларимга асалари боқишни ўргатишни ўзимга мақсад қилиб қўйдим.



Бахтияр ЖУБАЕВ,
“Дўстлик” ордени соҳиби

Бу йил 15 та оилани камбағалликдан чиқаришга кўмаклашган бўлсам, келгуси йили 30 та оиланинг бандлигини таъминлаш орқали оғир турмуш шароитидан чиқаришни ният қилдим. Шунингдек, суҳбат чоғида Президентимизга асаларичилик соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган соҳа вакилларига махсус кўкрак нишони тақдим этиш бўйича таклифимни билдирдим. Президентимизнинг ушбу таклифни қўллаб-қувватлаганидан жуда хурсанд бўлдим.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Бугунги кунда Тараққиёт стратегияси ва стратегик ислоҳотларнинг жамият учун аҳамияти шундаки, уларнинг фидокорона руҳи ва инновацион хусусияти миллионлаб кишиларнинг дунёқарашини ўзгартирмоқда.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Буюк ўзбек йўли

ЭЗГУ ФИКР, ЭЗГУ СЎЗ ВА ЭЗГУ АМАЛЛАР МАМЛАКАТИ



Қиёмиддин НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Тасодифан дунёга келмаган...

Муқаддас китоблардан бирида “Барчаси сўздан бошланади”, “Яратган “Бўл” деди, барча нарсалар пайдо бўлди”, деб бежиз айтилмаган. Бу жиҳатдан “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс”, “Ҳаракатлар стратегияси”, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” ва ҳозирги кунда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси” каби атамалар ҳам 2016 йилдан кейинги даврнинг эзгу фикрга таянадиган ва эзгу амалларга асос бўлаётган эзгу сўзлардир дейиш учун далиллар ва исботлар етарли.

Бу ўринда Ўзбекистон тараққиётининг ушбу эзгу сўзлар устувор бўлаётган янги босқичида Президентимиз томонидан асослаб берилган ва пухта ишлаб чиқилган Тараққиёт стратегияси назарияси шаклланиши ва такомили, унинг амалиёт даврлари тўғрисидаги масалага ойдинлик киритиш лозим.

Баъзилар уни 2017 йилдан, яъни Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари бўлган илк йилларда ишлаб чиқила бошланди ва у дастлаб 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси сифатида намоён бўлди деб ҳисоблайди.

Формал жиҳатдан, яъни шаклан шунга ўхшайди. Аммо бундай фикрлар ушбу назариянинг генезиси, яъни Президентимиз томонидан унинг яратилиш тарихи, ижтимоий-фалсафий асослари ва илмий билиш тамойиллари жиҳатидан ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмайди.

Агар биз давлатимиз раҳбарининг мазкур таълимот тўла-тўкис намоён бўла бошлаган 2016 йилдан олдинги ва кейинги фикрлари динамикаси ҳамда илмий-назарий ва амалий такомилини “Назариялар қонуни” деб аталадиган фалсафий парадигма асосида таҳлил қилсак, бунинг яққол исботини кўрамиз.

Яъни ҳар қандай назария тўла-тўкис шаклланиши ва амалиётда бирор шаклда намоён бўлишидан олдин унинг муаллифи онги ва тафаккурида бу ҳақдаги фикрлар, хулоса ва амалий талқинлар жамланади, унинг амалиётига доир муҳим гипотезалар ишлаб чиқилади.

Назариялар шаклланиши қонуниятларига кўра, аксарият ҳолларда муаллиф тафаккурида дастлаб муайян фикрнинг туғилиши ва унинг ғояга айланиш жараёни рўй беради. Яъни бўлажак назария муайян вақт давомида шаклланади, камолга етади ва сайқалланиб боради.

Бугунги кунгача мамлакатимизнинг “Ҳаракатлар стратегияси”, “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ва ҳозирги кунда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси” каби номлар билан аталиб келинаётган ривожланиш дастури аслида ана шундай қонуният асосида, Президентимиз тафаккурида 2000-йиллар бошларидаёқ аниқ-тиниқ шаклланган яхлит назария экани яққол намоён бўлади. Айни шу маънода, “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс”, “Янги маънавий макон” каби эзгу сўзлар ҳам кейинги даврда шаклланган ва унинг муҳим натижалари бўлиб ҳисобланади.

Бу жиҳатдан алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги ўн йил давомида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига айланган ушбу яхлит назария асослари, унинг таянч тушунчалари, Президентимизнинг бу борадаги эзгу фикрлари ва эзгу сўзлари ибтидоси 2016-2017 йилларда эмас, балки анча олдин, бугунги асримиз бўсағасида шаклланган ва 2000-йиллардан бошлаб тўла-тўкис камолга етгани шубҳасиз.

Ўз-ўзидан амалга ошмайдиган жараён

Ҳар қандай эзгу фикр ўз-ўзидан амалга ошавермайди. У, аввало, эзгу сўзда ифодаланиши, уни амалга оширувчиларнинг қалби ва онгига етказилиши керак.

Шу муносабат билан бир мисолни, яъни 2005 йил 7 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлислар залида бўлиб ўтган йиғилиш ва унда ўша пайтда Бош вазир бўлган Президентимизнинг қатор топшириқлари ва кўрсатмаларини эслаш жоиз деб ўйлайман. Мажлис ўша йилги давлат дастурини шакллантириш, унинг биринчи бошланғич қисми давлат бошқаруви ва жамият ҳаётини либераллаштириш ва модернизациялашга қаратилган чора-тадбирлар режасини тузишга доир масалаларга бағишланган эди.

Кечагидек эсимда, давлат дастури бир неча қисмда бўлиши кўзда тутилган бўлиб, унинг биринчи қисмини тузиш бўйича шакллантирилган ишчи гуруҳ раҳбари Бош вазир, биз — бир неча киши эса унинг аъзолари эдик. Мажлис аввалида Бош вазир йил дастури ва унинг биринчи қисмига доир умумий мақсад ва вазифалар, ҳар бир йўналишнинг моҳияти ҳамда ундан кутилаётган натижалар қандай бўлиши тўғрисида фикр юритди.

Дастурнинг раҳбар кадрлар тайёрлаш ва компетентлик даражасини ошириш ҳақидаги бандига келганда эса бу борада қуйидаги уч йўналишда ишлаш кераклигини уқтирди.



Биринчи йўналиш — жаҳоннинг илғор мамлакатларида қўлланилаётган стратегемалар назарияси ва ривожланиш стратегиялари амалиётига доир тажрибаларни ва уни Ўзбекистонга татбиқ этиш йўллари, имкониятини чуқур ўрганиш, бу борада амалий таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш.

Иккинчи йўналиш — Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг кадрлар тайёрлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан ўзгартириш, ушбу муассасани стратегик бошқарув йўналишига ўтказиш, бу борада янги концепция ва дастур ишлаб чиқиш, уларни академия фаолиятига тизимли татбиқ этиш.

Учинчи йўналиш — стратегик тафаккурга эга бўлган ва стратегик бошқарув кўникмаларини эгаллаган янги авлод кадрларини тайёрлаш, бу борада академиядаги ўқув жараёнини интерактив усул ва модуль тизимига ўтказиш, “Миллий ғоя ва тараққиёт стратегияси” таянч ўқув-методик маркази ташкил қилиш, “Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ўқув модулини ишлаб чиқиш ва уни 2005 йил сентябрь-октябрь ойларидан бошлаб академия таълим тизимига жорий этиш.

Тўғрисини айтсам, куни кеча академияга ишга келганим учун ҳали калаванинг учини топа олмаётган ва ишни нимадан бошлашни билмай турган эдим. Бош вазирнинг ўша мажлисдаги фикр-мулоҳазалари, кўрсатма ва топшириқлари менга ниҳоятда катта ёрдам, кейинги фаолиятим учун муҳим асос ва дастуриламал бўлганини тан олишим керак.



Шу билан бирга, ҳали стратегема нима, стратегия, стратегик тафаккур ва стратегик бошқарув нималигини ўзим ҳам яхши билмас эдим ва улар ҳақида тасаввурларим ниҳоятда саёз эди.

Шунинг учун Бош вазир “Бу борада саволлар ёки тушунмайдиган масалаларингиз борми?” деб сўраганида “Ҳа бор, қайси мамлакатларнинг тажрибасини ўрганишдан ишни бошлайлик?” деб мурожаат қилдим.

Бош вазир қисқагина қилиб “Аввал қадимги Хитой ва Юнонистонни, кейин ҳозирги Германияни ўрганинглар. Ўзимизнинг тарихимизда ҳам ибратли мисоллар бор. Шуларни ўрганиш асосида бир ойда концепция, йўл харитаси, ўқув дастурлари, илмий-амалий лойиҳалар ва бошқа керакли ҳужжатларни тайёрланглар. Барчасини ўзимга кўрсатасизлар, кейин маслаҳатлашамиз”, деди.

Хориж тажрибаси нима учун муҳим?

Ўша даврда Бош вазир топшириғига кўра йўлга қўйилган ўрганишлар кўрсатдики, хорижий Шарқ ва Ғарб мамлакатларида замонавий стратегемалар назарияси ва стратегик тараққиёт тамойиллари асосларини таҳлил қилиш учун муайян илмий манбалар яратилган. Ҳар қандай стратегиянинг ўқилдизи бугунги кунда “Стратегемалар назарияси” деб аталаётган, аслида эса қадимги Хитойда ва Юнонистонда алоҳида илмий-амалий тарбия йўналиши сифатида мавжуд бўлган маърифий омилларга асосланади.

Хусусан, ушбу соҳанинг илдизлари қадимги Хитойда бундан қарийб 25 аср илгари ишлаб чиқилган ва “Моулюесюе” деб ном олган алоҳида фан сифатида ўрганиб келинган. Маълумотларга кўра, Хитойда 2500 йиллар аввал ҳарбий ва сиёсий донишмандлар томонидан стратегия илми асосида ётадиган умумий қонунлар ва қатор қоидаларни ишлаб чиқишга уринишлар бошланган. Натижада ўша даврларда “Жанг санъати”, “Дао де Цзин” ва “36 стратегема” асарлари пайдо бўлди. Ушбу даврда Хитой заифлашган ва бир қанча мустақил давлатларга бўлинган, уни бирлаштириш ва янги тараққиёт босқичига олиб чиқиш биринчи даражали вазифага айланган эди. Бу вазифани бажариш жараёни минг йилдан ортиқ вақтни ўз ичига олди ва унда юзлаб сиёсий арбоблар, саркардалар ва оддий халқ иштирок этган.

Натижада бутун Хитой учун ниҳоятда муҳим, дунё мамлакатлари учун ўрнак ва ибрат мисоли бўлган стратегик жараён амалга ошган. Яъни асрлар давомида стратегемаларни онги ва қалбига жо қилган ягона хитойликлар, ислоҳотчи халқ шаклланган. Асрлар ўтаверган, авлодлар келиб кетаверган, аммо юз йилларга чўзилган ислоҳотлар давом этаверган ва шу тариқа Хитой халқининг бирлашувчанлик ва ислоҳотчилик руҳи сақланиб, мустаҳкамланиб бораверган. Бундай ижтимоий воқелик ҳозиргача ҳам Хитойда ўз таъсирини сақлаб қолмоқда.

Бу борада қадимги Хитойнинг атоқли файласуфи, эрамиздан аввал 604-531 йилларда яшаган аллома, “Дао де Цзин” номли фалсафий ва ҳарбий асар муаллифи, даосизм таълимоти асосчиси Лао Цзи, эрамиздан аввалги 544-496 йилларда яшаган хитой донишманди ва саркардаси, ҳарбий стратегия тўғрисидаги машҳур “Жанг санъати” китоби муаллифи Сун Цзи, конфуцийчиликнинг эрамиздан аввалги 551-479 йилларда яшаган асосчиси Конфуцийнинг стратегемаларга доир назария ва таълимотлари муҳим аҳамият касб этган. Масалан, унинг “Фаровонликка эришиш — мақсад, барқарорлик — бунинг учун зарур шарт-шароит, ислоҳотлар эса мақсадга етишнинг энг маъқул усулидир”, деган стратегемаси нафақат Хитой, балки ҳозиргача ҳам трансформация жараёнида бўлган ҳар қандай мамлакат, жумладан, юртимиз учун ҳам умумий тамойил сифатидаги аҳамиятини йўқотмаган.

Ғарб мамлакатларида “стратегия” ва “стратегема” каби тушунчалар учун асос, негиз бўлган “стратег” атамаси юнончада “стратос” — лашкар, қўшин, “аго” — етаклайман, бошқараман, эргаштираман деган маъноларни англатади. Қадимги Юнонистонда у юқори даражадаги ҳуқуқларга эга бўлган ҳарбий раҳбар, лашкарбошиларнинг мансаби ва мартабасини англатган. Ҳозирги даврда унинг мазмуни анча кенгайган ва нафақат ҳарбий, балки давлат бошлиқлари ва жамоат арбобларига нисбатан ҳам қўлланилади.

“Стратегема” тушунчаси эса қадимги грек тилидаги “стратагемата” сўзига бориб тақалади. Ушбу тушунча Ғарбда биринчи марта қадимги Рим давлат арбоби Секст Юлий Фронтин томонидан ёзилган “Стратегематон” асарида қўлланилган ва илмий муомалага киритилган. Асрлар давомидаги трансформациялар туфайли мазкур тушунча бугунги Ғарб мамлакатларида давлат ёки жамиятнинг муайян мақсадларга эришиш учун қўллайдиган мураккаб, пухта ўйланган сиёсати, уни амалга оширишнинг тактик ва стратегик усуллари мажмуасини англатади.

“Стратегия” сўзи ҳам шу асосда шаклланган ва қадимда айни шу этимологик маъно-мазмунда қўлланилган. Аммо қадимги даврга хос ушбу дастлабки маъно-мазмун ҳозирги замонга келиб трансформацияга учраган ва янгиланган. Яъни стратегияга инсон ақлу идроки, фаолияти билан боғлиқ барча соҳаларга тааллуқли ижтимоий фаолият шакли, маънавий воқелик усули сифатида қаралмоқда.

Шунинг учун иқтисодиёт, савдо-сотиқ, бизнес, спорт, ижтимоий бошқарув, таълим-тарбияга оид стратегемалар тўпламлари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам юз минглаб нусхаларда чоп этилмоқда. Улар асосида кўплаб Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўз стратегияларини ишлаб чиққан ва амалиётда самарали қўлламоқда.

Аждодлар ўгити ва бугунги амалиёт

Бундан 21 йил бурун Бош вазир топшириғига кўра юртимизда шаклланган стратегемик тафаккур ва бу борадаги миллий тажрибаларни ўрганар эканмиз, жуда қизиқарли, ҳатто мутахассислар ҳам унчалик эътибор бермаган, аммо нафақат тарихий онгимиз, балки бугунги кунимиз учун ҳам ниҳоятда зарур далиллар ва мисолларга дуч келдик.

Бу жиҳатдан Амударё ва Сирдарё ҳавзаси халқлари учун умумий илдиз бўлган Зардушт таълимоти ва “Авесто” китобининг асрлардан асрларга етиб келаётган таъсирини таъкидлаш лозим. “Авесто”да қадим аждодларимизнинг “Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал” шаклида ифодаланган стратегемаси ва унга асосланган фалсафий концепция ўз аксини топган. Шу сабабдан ушбу асарнинг “Ҳаёт йўриқномаси” деб аталиши асло бежиз эмас.

Аллома бобомиз Абу Райҳон Беруний-нинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”и, салжуқийларнинг доно вазири Низомулмулкнинг 1091 йилда ёзилган “Сиёсатнома”си ҳам бу борадаги умуминсоний ва миллий тажрибалар тўпланган йирик асарлардир.

Амир Темурга нисбат бериладиган ва халқимизга хос кўплаб маънавий тамойиллар акс этган тарихий-сиёсий рисола бўлмиш “Темур тузуклари” асари ҳам замонавий стратегеологиянинг муҳим манбаларидан биридир.

Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Алишер Навоийнинг “Хамса”, Мирзо Бобурнинг “Бобурнома”, Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, Аҳмад Донишнинг “Нодир воқеалар” каби асарлари ўзбек стратегеологияси тарихидан муносиб жой эгаллаган.



Бу жиҳатдан Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асари ёзилиши ва 2020 йилда, янги даврнинг дастуриламали сифатида чоп этилиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга моликдир. Ушбу асар, бир томондан, халқимиз тарихида мавжуд бўлган стратегемаларга доир халқаро ва миллий тажрибаларни умумлаштирган, иккинчи томондан, инсоният ривожининг ҳозирги даври учун муҳим стратегиялардан бири ишлаб чиқилган нодир манбалар сирасига киради.

Шунинг учун унинг нафақат халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаётгани ва турли тилларга таржима қилинаётгани бежиз эмас.

Хуллас, зукко газетхонларимиз 2005 йил 7 февралда Бош вазирнинг стратегиялар масаласида Хитойни ва Юнонистонни ўрганиш, ўзимизнинг тарихимизда ҳам ибратли мисоллар борлиги ҳақидаги фикри ва топшириғи бежиз бўлмаганини тарихий тажрибаларга доир ушбу маълумотлардан теран англаб олаётган бўлсалар керак деб ўйлайман.

Қизиғи шундаки, Бош вазир ўша топшириқни берган ва бу борадаги фикр ҳамда кўрсатмаларини баён қилган 2005 йилда Ғарбда стратегемалар ва стратегияларга доир янги давр назариялари эндигина шаклланаётган эди.

Бу борада воқеалар ривожи қонунларига таяниб айтиш мумкинки, ўша даврдаёқ Бош вазир онги ва қалбида **“Бизда ҳам ана шундай тарихий стратегемалар бор-ку? Халқни фаровонликка бошлайдиган, уни бирлаштирадиган ва ислоҳотчи миллатга айлантирадиган тараққиёт стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин-ку”** деган ғоялар пайдо бўлгани ва улар 2016 йил охиригача сайқалланиб боргани шубҳасиз.

Ҳозирги даврда ушбу ғоя Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга самарали татбиқ этилган Ҳаракатлар стратегияси ва Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ҳамда бугунги кунда амалда бўлган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мисолида яққол намоён бўлмоқда.

Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида ўтган кейинги йилларда бу борадаги эзгу фикрлар ва эзгу сўзлар эзгу амалларга айланаётганига гувоҳмиз. Бу борадаги ислоҳотларнинг асосий мезони сифатида инсон қадрини ошириш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган “Инсон — жамият — давлат” тамойилига таянилаётир.

Кейинги ўн йилликдаги туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимизга 160 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилгани, бугунги кунга келиб мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси 81 миллиард долларни, экспорт эса 34 миллиард долларни ташкил қилгани бунинг яққол далилидир.

Минглаб замонавий корхоналар ишга туширилгани, тарихимизда илк бор миллий сунъий йўлдош фазога учирилгани, юртимизга биргина ўтган йили 11 миллион хорижлик сайёҳ келганини бундан ўн йил илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик, бизнес ва якка тартибдаги иш юритиш, мулкий плюрализм ва мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилишга доир самарали дастурлар амалга оширилаётгани бу борадаги ислоҳотлар бардавомлигидан далолат беради.

Жамиятимизнинг тобора ижтимоий давлатга айланиб бораётгани, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига кенг миқёсда ёрдам берилаётгани, уларнинг мақсад-муддаолари ва орзу-умидларини юзага чиқаришнинг янги ва янги имкониятлари излаб топилаётгани ва амалиётга самарали жорий этилаётгани ҳам ана шундай мисоллар қаторини тўлдирмоқда.

Заррада қуёш акси

Буларни ёзар эканман, мақола бошланишида айтганимиз — 2005 йил 7 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлислар залида бўлиб ўтган йиғилиш ва унда ўша пайтда Бош вазир бўлган Президентимизнинг топшириқлари ва кўрсатмаларининг битта муассаса, яъни Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳаётида бамисоли заррада қуёш акс этганидек яққол намоён бўлганини эслаш жоиз деб ҳисоблайман.

Бугун барчамиз Президентимизнинг бундан бир неча ўн йиллар олдинги эзгу фикрлари рўёбга чиқаётганига, улар қаторига ҳозирги кунлардаги яна кўплаб эзгу ғоялар ва эзгу сўзлар қўшилаётганига, самарали амалга ошаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Кейинги йилларда ҳар бир соҳага мос стратегия ва ғоялар ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич амалга ошириш тажрибаси самарасини бермоқда. Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ушбу жабҳадаги белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг методологик асосини ташкил қилади.

Бугунги кунда Тараққиёт стратегияси ва стратегик ислоҳотларнинг жамият учун аҳамияти шундаки, уларнинг фидокорона руҳи ва инновацион хусусияти миллионлаб кишиларнинг дунёқарашини ўзгартирмоқда.

Бу, ўз навбатида, кўплаб истилолар натижасида ислоҳотчилик тафаккуридан мосуво бўлган халқимизнинг яна қайта ислоҳотчи миллатга, эзгу фикр ва эзгу сўзларнинг эзгу амалларга айланишига хизмат қилмоқда.



Фуқаролар ўз ҳуқуқи ҳимоя қилинаётгани, мурожаатлари холис кўриб чиқилаётгани ва қонун олдида ҳамма тенг эканини ҳис қилса, жамиятда ўзаро ишонч ортади. Ишонч эса ҳамжиҳатлик, фаол фуқаролик позицияси ва ижтимоий масъулиятни кучайтиради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

“Одил судлов — 2030” стратегияси

АДОЛАТ БОР ЖОЙДА ИШОНЧ ВА ТАРАҚҚИЁТ БЎЛАДИ



Раъно ҲУСАИНОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро суди судьяси, юридик фанлар номзоди

Адолатга ҳар куни дуч келамиз. Ҳар бир хатти-ҳаракатда уни ҳис қиламиз. Давлат хизматчиси ва фуқаро, раҳбар ва ходим муносабатида адолат ўзини яққол намоён этади. Ота-онанинг фарзанд тарбиясида, устознинг ўқувчига холис баҳо беришида ҳам адолат бор.

У ҳақида ўйлар эканман, мустақилликнинг 35 йиллиги байрами билан табриклаш жараёнида давлатимиз раҳбари элнинг кўнглидаги гапни топиб айтди: “Адолат қарор топган жойда иқтисодий ўсиш ҳам, ижтимоий ишонч ҳам юксалади”.

Мазкур сўзлар замирида адолат тушунчаси нафақат суд-ҳуқуқ соҳаси, балки жамиятнинг ҳар бир жабҳасига тегишли экани, хусусан, мулк шаклидан қатъи назар, ҳар бир корхонада, маҳаллада, хонадонда адолат устувор бўлиши зарурлиги ҳақидаги ҳақиқат мужассам. Инсон қалби адолатга йўғрилган тақдирда юртнинг мустақиллиги барқарор бўлиши ушбу ўгитнинг мазмунини англатади.

Бугун дунё тез ўзгармоқда. Инсонни тушуниш, ҳаётни идрок этиш самара бермоқда. Замонавий технологиялар янгидан янги имкониятларга замин ҳозирламоқда. Кечаги тушунча бугунга, бугунги ихтиро эса эртага оддий воқеа бўлади. Аммо адолат ўзгармай қолади. Ҳар қанча ислоҳот бўлмасин, адолатнинг салмоғи ҳар бир даврнинг мезони сифатида ўз барқарорлигини сақлаб қолади.

Дарҳақиқат, адолат жамият тараққиётини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан. У қарор топган жойда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинади. Фуқароларнинг давлат институтларига ишончи ортади. Иқтисодий фаоллик, ижтимоий фаровонлик учун мустаҳкам замин яратилади. Адолатли жамиятда ҳар бир инсон ўз меҳнати, билими ва ташаббуси билан муносиб натижага эришиши мумкинлигига ишонади. Иқтисодий ўсиш ҳам адолат тамойиллари билан чамбарчас боғлиқ.

Яна бир муҳим жиҳати ижтимоий ишончни мустаҳкамлашидир. Фуқаролар ўз ҳуқуқи ҳимоя қилинаётгани, мурожаатлари холис кўриб чиқилаётгани ва қонун олдида ҳамма тенг эканини ҳис қилса, жамиятда ўзаро ишонч ортади. Ишонч эса ҳамжиҳатлик, фаол фуқаролик позицияси ва ижтимоий масъулиятни кучайтиради. У бор жойда одамлар бефарқ бўлмайди. Ватани маҳалласи, шаҳри тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайди. Фарзандининг келажагига ишонади, билим олишга интилади, янги ғоялар яратади, жамият ҳаётида фаол иштирок этади.

Ўтган вақтда орттирилган амалий тажрибадан англадимки, замонавий судья қонун билан бирга, суд остонасидан ўтган инсонларнинг кечинмаларини ҳам тўғри англай билиши керак. Судьянинг иш столида турган ҳар бир ариза шунчаки оддий сўз ва рақамлардан иборат жилд эмас, балки кимнингдир уйқусиз кечалари, ҳаловати йўқолган хонадони ёки чексиз изтиробидир. Суд зали эшиги ортида хавотир билан кутаётган инсон учун бу маскан адолат излаб келинган сўнгги умид қўрғони бўлиб туюлади.

Судга мурожаат қилган ҳар бир инсон, аввало, адолат кутади. Одамлар суд биносига шунчаки навбатдаги давлат хизматидан фойдаланиш учун эмас, балки бузилган ҳуқуқи тикланиши, ҳақиқат қарор топиши ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига ишониб қадам қўяди.

Президентимизнинг “Одил судлов — 2030”: Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи халқчил ва адолатли суд тизимини барпо этиш стратегияси тўғрисида”ги фармони билан амалга оширилаётган ислоҳотлар айнан шу мақсадга — инсонни суд тизимининг марказига қўйишга қаратилмоқда.

Қонун қанчалик мукаммал бўлмасин, уни қўллаш жараёни инсон учун тушунарсиз, мураккаб ёки узоқ бўлса, фуқаро адолатни тўлиқ ҳис қилмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам замонавий суд олдида фақат қонуний қарор қабул қилиш вазифаси турмайди, аксинча, суд инсонни эшитиши, тушуниши ва адолатга эришиш йўлидаги ортиқча тўсиқларни бартараф этиши ҳам зарур. Шу боис, ушбу ҳужжат суд ислоҳотларининг янги босқичини белгилаб берувчи муҳим сиёсий-ҳуқуқий қадам сифатида эътироф этилмоқда.



“Одил судлов — 2030” стратегияси Ўзбекистонда суд тизимини шунчаки такомиллаштириш эмас, балки мустаҳкам таянчга эга “адолат қўрғони”ни яратиш вазифасини қўяди. Бу образли ибора замирида жуда катта ва теран ҳуқуқий мазмун мужассам бўлиб, ҳужжат мазкур тушунчага расмий ҳуқуқий мақом берди.

Фармонда белгиланган — “халқчил суд”, “адолат қўрғони”, “кафолатланган адолат”, “адолат посбонлари” ва “халқаро эътироф” каби энг муҳим тушунчалар эл оғзида юрган оддий сўзларга чуқур ҳуқуқий мазмун сингдирилганидан далолат беради. Мана шу мустаҳкам устунлар асосида тизимни ислоҳ қилиш тартиби белгиланган кўзланган олий мақсадга эришишга ишончимизни янада оширади.

> **Судга мурожаат қилган ҳар бир инсон, аввало, адолат кутади. Одамлар суд биносига шунчаки навбатдаги давлат хизматидан фойдаланиш учун эмас, балки бузилган ҳуқуқи тикланиши, ҳақиқат қарор топиши ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига ишониб қадам қўяди.**

Айнан суд мустақиллигини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлашни умуммиллий қадриятга айлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, Президентимиз ўз нутқида мазкур муаммоларга аниқ тизимли ечимларни кўрсатиб ўтди. Уларни ҳаётга татбиқ этиш учун қуйидаги учта муҳим ва стратегик қадамни белгилаб берди.

Биринчиси, ҳуқуқий маданиятни мактабдан бошлаб шакллантириш. Адолатни умумий қадриятга айлантиришнинг бош омили сифатида ҳуқуқий тарбияни мактаб партасидан бошлаб, аниқ тизим асосида йўлга қўйиш зарурлиги кўрсатилди. Зеро, ҳуқуқий онг шаклланган жамиятда низолар ҳам камаяди.

Иккинчиси, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш. Ҳеч бир ташқи куч ёки мансабдор шахс суд қарорларига таъсир ўтказа олмайдиган, судьялар фақат ва фақат қонунга бўйсунадиган холис муҳитни кучайтириш адолатнинг бош кафолатидир.

Учинчиси, фуқаролар ва тадбиркорларнинг кафолатларини кучайтириш. Ҳар бир инсон ва ишбилармон ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари давлат ҳамда суд томонидан ишончли ҳимоя қилинишини амалда ҳис этиши, қонун олдида барчанинг тенглиги таъминланиши шарт.

Судьянинг биринчи ва энг муҳим таянчи қонундир. Суд қарорининг замирида шахсий хоҳиш-истак, кайфият ёки ташқи таъсир эмас, балки фақат ва фақат қонун устувор туриши шарт. Қонун судьяга юксак ваколат бериш билан бирга, унинг чегарасини ва қарорининг ҳуқуқий асосини ҳам белгилайди. Бироқ қонунни шунчаки билишнинг ўзи кифоя эмас. Уни тўғри, холис ва адолатли қўллаш зарур. Чунки инсонлар суд қарорига қараб давлатнинг қонунга, инсон қадр-қимматига муносабатига баҳо беради. Шу маънода, ҳар бир адолатли суд қарори — мамлакатда қонун устуворлигининг амалдаги энг олий ифодаси.

Судьянинг иккинчи ва мустаҳкам таянчи мустақилликдир. Суднинг мустақиллиги шахсий имтиёз ёки дахлсизлик ниқоби эмас, балки адолат ва инсон ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиши учун асосий шарт. Чинакам судья қарор қабул қилаётган қалтис сонияларда ҳар қандай мансабдорнинг таҳдидидан, сиёсий босимлардан, ижтимоий тармоқларнинг шовшувларидан, омманинг ҳис-туйғуларидан ва ҳатто ўз эмоцияларидан ҳам баланд тура олиши лозим. Суд курсисида ўтирган инсоннинг қалбида қўрқув ва иккиланиш яшаса, у ерда адолат ўлади. Қўрқоқ ва ҳиссиётларига асир судья ҳеч қачон мустақил бўла олмайди, мустақил бўлмаган суд эса ҳеч кимни ҳимоя қилолмайди. Агар суд мустақиллигига путур етса, “адолат қўрғони” шунчаки қуламайди, у ўзи билан бутун жамиятнинг давлатга, қонунга ва ҳақиқатга ишончини йўққа чиқаради. Шу боис, судьянинг ҳеч кимга эгилмас мустақиллиги — давлатнинг шаъни ва миллатнинг эртанги кунига бўлган энг олий кафолати.

Судьянинг учинчи ва шарафли таянчи халқ ишончидир. Шу маънода, “Одил судлов — 2030” стратегияси ўзининг теран мазмун-моҳияти билан миллий суд-ҳуқуқ тизимига мутлақо янги — “процессуал адолат” тушунчасини олиб кирмоқда. Инсон учун унинг фикри эшитилгани, ҳурмат билан муносабатда бўлингани, қарор қабул қилувчи шахснинг холислиги ва жараённинг шаффофлиги барча ҳолларда суд қарорининг якуний мазмуни каби муҳим.

Стратегияда белгиланган судга мурожаат қилишни енгиллаштириш, рақамлаштириш, суднинг фаол иштироки тамойилини кенгайтириш, инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, суд назоратини кучайтириш, суд амалиётининг ягоналигини таъминлаган ҳолда судьяларни одил судловга дахлдор бўлмаган вазифалардан озод этиш каби чораларнинг ҳар бири шунчаки техник ёки ташкилий ўзгариш эмас. Бу ислоҳотлар, аввало, инсоннинг судга етиб боришини осонлаштириш, жараёнда қадр-қимматини таъминлашга хизмат қилади. Процессуал адолат шунчаки суд ишини юритиш қоидаларининг қуруқ йиғиндиси бўлиб қолмай суд билан халқ ўртасидаги ишонч муносабатларини шакллантирувчи ҳуқуқий ва психологик муҳитдир.

Адолат фақат қонуннинг сўзма-сўз ижроси эмас, балки инсон тақдирига таъсирини, инсонни тинглай олиш ва тўғри тушуна билиш маҳорати. Жамиятда ижтимоий ишончни мустаҳкамлашнинг энг қисқа ва ишончли йўли ҳар бир фуқаронинг суддан рози бўлиб қайтишини таъминлашдир.

ИЛМ-ФАН КЕЛАЖАК ҲОСИЛИГА АЙЛАНМОҚДА



Инновация

Глобал иқлимнинг жадал ўзгариши, аҳоли сонининг ортиши ва жаҳон озиқ-овқат бозорларида рақобатнинг кучайиши аграр тармоқни технологик модернизация қилишни умуммиллий стратегик мақсадга айлантирмоқда.

Жамолиддин БОБОХОНОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги департаменти директори





Президентимиз ташаббуси ва ислоҳотлари жаҳоннинг етакчи илмий марказларидан илғор агротехнологияларни трансфер қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишда янги давр бошланди. Бундай сиёсатнинг энг ёрқин намуналаридан бири пахта ғўзапоясидан олинадиган углеродли материал, яъни биочар ишлаб чиқариш технологиясидир.

Яқин вақтларгача ғўзапояга ёқилғи сифатида қаралар эди. У далаларда қолиб кетар ёки мавсумий ёқилғи сифатида ишлатиларди. Ҳар икки ҳолатда ҳам қимматли органик ресурс қайтарилмас тарзда йўқолар, бу жараён эса иссиқхона газлари чиқиндиси ва атмосфера ҳавосининг ифлосланишига сабаб бўлаётганди.

Пиролиз қайта ишлаш технологияси бу мантиқни тубдан ўзгартиради. Кислород чекланган шароитда биомассани термик парчалаш орқали ўсимлик қолдиқлари барқарор углерод матрицасига — биочарга айлантирилади. У эса ўнлаб йиллар давомида углеродни тупроқ қатламида ушлаб тура олади ва бир вақтнинг ўзида ернинг агрофизик хусусиятларини яхшилайди.

2025 йил октябрдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда хорижлик шериклар билан ҳамкорликда 782 та фермер хўжалиги майдонларида пилот лойиҳани амалга оширди. Амалиёт энг муҳим жиҳатни тасдиқлади: технология реал дала шароитида барқарор иш беради, қишлоқ хўжалиги қолдиқларини талабгир экологик ҳамда иқтисодий маҳсулотга айлантириш имконини беради.

Пилот лойиҳанинг миқдорий кўрсаткичлари йўналиш имкониятини яққол намоён этади. Ҳар бир гектардан 4-5 тонна ғўзапоя йиғилади. Ундан тахминан 1,3-1,6 тонна биочар олинади. Ушбу лойиҳа доирасида фермерлар томонидан 706 куб метр биочар тайёрланиб, 2500 гектар ерга сепилди. Биочар тайёрлаган 163 фермерга 307 миллион сўм тўлаб берилди.

Айни пайтда Европанинг икки йирик компанияси — Alcon Development (Германия) ва Green Carbon (Швеция) мутахассислари мамлакатимизда бу борадаги ишларнинг тўғри ташкил этилишига кўмаклашмоқда. Швециялик маслаҳатчилар мамлакатда бир ойдан ортиқ вақтдан буён фаолият юритиб, маҳаллий мутахассислар билан биргa саноат циклининг техник, ташкилий ва амалий жиҳатларини — хомашё йиғишдан тортиб, уни қайта ишлаш, сифат назорати, биочарни тупроққа қўшиш ва углерод самарасини сертификатлашгача бўлган босқичларни ишлаб чиқмоқда. Саноат йўналишини ишга тушириш 2027 йилга режалаштирилган бўлиб, 100 минг гектаргача қамров ва кейинги йилларда қайта ишлаш ҳажмини босқичма-босқич кенгайтириш назарда тутилган.

Миқёслаштириш проекцияси йўналишнинг сезиларли иқтисодий салоҳиятидан далолат беради. 100 минг гектарни қамраб олиш ва ҳар гектардан камида 140 доллардан даромад топиш мумкин. Умумий ҳисоб-китобга кўра, йилига тахминан 14 миллион доллар фойда олиш мумкин. Кейинги босқичда 850 минг гектарли қамровга эришилса, умумий даромад ҳам шунга монанд кўпаяди. Хўжаликлар учун тўғридан тўғри самарадан ташқари, тармоқнинг ривожланиши мамлакатга қўшимча инвестиция, замонавий технологиялар ва янги ишлаб чиқариш қувватларини жалб этиш ҳамда қишлоқ жойларда иш ўринлари очиш имконини беради.

Лойиҳа аграр соҳада катта иқтисодий самара бериш билан бирга муҳим экологик аҳамиятга ҳам эга. Ўсимлик қолдиқларини очиқ ҳавода ёқишдан воз кечиш ва кам углеродли агротехнологияларни жорий этиш иссиқхона газларининг камайишига сабаб бўлади. Бу эса миллий талаблар ва Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларини бажаришга катта туртки беради. Шу тариқа мамлакатнинг иқлимий кун тартибини кучайтириш ва “яшил” молиялаштириш воситаларини жалб этиш аграр чиқиндиларни халқаро углерод бозорларида тан олинадиган активга айлантириш учун асос яратилади.

Биочарнинг шўрланган тупроқни реабилитация қилишга кўмаклашиш хусусияти алоҳида стратегик аҳамиятга эга. Бу айни пайтда мамлакатимиз деҳқончилиги учун энг долзарб муаммолардан. Ўзбекистон тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳамда швециялик олимлар билан биргa биочарнинг муҳандислик модификациялари — тупроқ таркибини яхшилаш, намликни ушлаб туриш хусусиятини ошириш ва тузнинг салбий таъсирини камайтиришга қаратилган махсус маҳсулотлари шўрсизлантириш бўйича комплекс дастурлар доирасида ишлаб чиқилмоқда.

Тупроққа киритилган биочар углеродни боғлаш билан биргa ер сифати ва унумдорлигини оширади. Минерал ўғитларга эҳтиёжни камайтиради ҳамда аграр чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича янги бозорни шакллантиради. Бу экологик ва иқтисодий йўналишлар ўзаро мос келадиган ноёб ҳолат. Чиқинди даромадга айланади, тупроқ тикланади, мамлакат эса “яшил” иқтисодиётни қуриш учун таъсирчан воситага эга бўлади. Бу ерда ҳар бир технология трансфери ортида муайян далалар, хўжаликлар ва баҳолаб бўладиган натижа туради — фан айнан шу тарзда келажак ҳосилига айланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Одатда мерос деганда, кўз олдимизга қадимий шаҳарлар, минг йиллик обидалар, хумдонлар, мадрасалар ва мақбаралар келади. Аммо тарих фақат асрлар қаъридан эмас, кечаги кундан ҳам иборат.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

КЎЗГУ

5

2026 йил 20 сентябрь, 195-сон

Мулоҳаза

ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИНИ ҚАДРЛАГАН МИЛЛАТ ҚУДРАТЛИДИР





Малика ҚОДИРХОНОВА,
сенатор

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос маданий мероси, бой тарихи бор. Мерос деганда, фақатгина ўтмишдан қолган иморат, қадимий қўлёзма ёки музейларда сақланаётган нодир ашёлар йиғиндиси тушунилмайди, албатта. Аксинча, у ўша халқнинг ўтмиши, тафаккури ва дунёқараши мужассам бўлган тирик маънавий хазина. Шу хазина миллатнинг ким эканини дунёга кўрсатувчи тарихий манбадир.

Шу маънода, Президентимизга маданий мероси асраб-авайлаш, музейлар фаолиятини ривожлантириш ва юртимизнинг бой маданиятини халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш бўйича тақдим этилган таклифлар соҳадаги устувор вазифаларни белгилаш билан бирга миллий маданий сиёсат мазмунан янги босқичга кўтарилаётганидан далолатдир.


Маданий меросга муносабатнинг ўзи тубдан янгиланмоқда. Энди тарихий ёдгорликларни асраб қолиш билан бирга уларни чуқур илмий ўрганиш ва рақамлаштириш, иқтисодий ҳамда туристик салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, халқаро стандартлар асосида муҳофаза қилиш, замонавий ёндашув ҳамда мутахассисликларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу ёндашувнинг энг муҳим кўринишларидан бири Тошкент модернизм меъморлиги билан боғлиқ. Таъкидлаш керакки, ЮНЕСКО жаҳон мероси қўмитаси 48-сессиясида “Тошкентнинг модернизм меъморлиги: Марказий Осиё замонавийлиги ва анъаналари” миллий номинацияси Жаҳон мероси рўйхатига киритилиши мамлакатимиз учун тарихий воқеа бўлди. Номинацияга пойтахтдаги 10 та муҳим объект киритилди.

Ўзбекистон Марказий Осиё ва МДҲда XX аср модернизми меъморий мероси ЮНЕСКОнинг мазкур рўйхатига киритилган биринчи давлат бўлди.

Одатда мерос деганда, кўз олдимизга қадимий шаҳарлар, минг йиллик обидалар, хумдонлар, мадрасалар ва мақбаралар келади. Аммо тарих фақат асрлар қаъридан эмас, кечаги кундан ҳам иборат. XX аср меъморлиги ҳам муайян даврнинг эстетик қарашлари, муҳандислик тафаккури ва ижтимоий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Шу боис, Тошкент модернизмини муҳофаза қилиш пойтахтимизнинг шаҳарсозлик тарихини асраш демакдир.







> **Маданий мерос соҳасидаги барча ташаббусларни бир нуқтада бирлаштирувчи жиҳат бор. У ҳам бўлса тизимлилик. ЮНЕСКО билан ҳамкорликни кучайтириш, Миллий комиссия котибияти ваколатларини кенгайтириш, ижодий ва таълим берувчи шаҳарлар тармоқлари, ассоциациялашган мактаблар, ЮНЕСКО кафедралари, клублар ва глобал геопарклар тармоғидаги иштирокни мувофиқлаштириш Ўзбекистоннинг халқаро маданий макондаги иштирокини институционал жиҳатдан кучайтиради.**

“Қуёш” гелиомажмуаси жаҳон мероси объекти таркибида сақлаб қолиниши йўлида фаол сиёсий-дипломатик ишлар қилингани ҳам Ўзбекистон ўз маданий ва илмий мероси бўйича халқаро майдонда қатъий позицияга эга эканини кўрсатади.

Бугун тараққиёт билан тарихни қандай уйғунлаштириш устида кўплаб мамлакатлар бош қотирмоқда. Негаки, бу бевосита туризм соҳаси ривожига ҳам хизмат қилади.

Қадимий Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарлар бир вақтнинг ўзида ҳам тирик шаҳар, ҳам улкан тарихий мерос маконидир. Тошкент эса жадал қурилиш, транспорт ва инфратузилма янгиланиши жараёнини бошидан кечирмоқда. Бундай шароитда ҳар қандай янги бино, йўл ёки инфратузилма лойиҳаси тарихий муҳитга таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, “Heritage Impact Assessment” меросга таъсирни баҳолаш тизими жорий этилиши стратегик аҳамиятга эга. Мазкур тизимнинг моҳияти шундан иборатки, бирор лойиҳа амалга оширилишидан олдин унинг тарихий муҳитга қандай таъсир кўрсатиши атрофлича баҳоланади. Зеро, тарихий муҳитни йўқотишнинг оқибатини кейинчалик пул билан тиклаб бўлмайди. Бирор обиданинг ўзи сақланиб қолиши мумкин, аммо унинг атрофидаги тарихий муҳит бузилса, ёдгорликнинг асл маъноси ва визуал яхлитлиги ҳам заифлашади.

Маданий меросни муҳофаза қилишда яна бир катта ўзгариш рақамли технологиялар кенг жорий этилишидир. Ягона рақамли платформа, объектларнинг рақамли эгизаклари, “Heritage Open Data” тизими ва маданий мерос бўйича ситуацион марказ ташкил этиш таклифлари соҳани анъанавий ҳисоб-китоб ва қоғозбозликдан замонавий бошқарув моделига олиб чиқиши мумкин.

Бу борада, айниқса, IoT сенсорлар, сунъий йўлдош маълумотлари, видеотаҳлил ва сунъий интеллект асосида мониторинг олиб бориш имконияти муҳим. Чунки минглаб объектларни фақат инсон кўзи билан мунтазам кузатиб боришнинг имкони йўқ.

Агар 2030 йилга қадар барча маданий мерос объектларини рақамлаштириш режаси амалга ошса, мамлакат тарихининг улкан электрон харитаси вужудга келади. Бу маълумотлар нафақат муҳофаза учун, балки илмий тадқиқот, таълим, туризм ва халқаро ҳамкорлик учун ҳам қимматли ресурсга айланади.

Маданий мероснинг иқтисодий қиймати ҳақида холис мулоҳаза юритиш керак. Бугун туризм мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бирига айланиб бораётган бир шароитда тарихий объектлар сайёҳлик салоҳиятининг асосий манбаларидан ҳисобланади.

Бироқ меросни иқтисодий ресурсга айлантириш билан уни оддий тижорат объектига айлантириб қўйиш ўртасида катта фарқ бор.

Сўнгги йилларда маданий мерос объектларини реставрация қилиш учун давлат бюджетидан 466,4 миллиард сўм йўналтирилгани, 305 та лойиҳа-смета ҳужжати тайёрлангани, 55 та объектда ишлар якунлангани ва 152 та объектда ишлар давом этаётгани соҳадаги амалий саъй-ҳаракатлар кўламини кўрсатади.

8183 та объект бўйича кадастр ҳужжатлари шакллантирилиши ҳам муҳим институционал қадамдир. Чунки меросни самарали бошқариш, аввало, унинг аниқ ҳисобини юритишдан бошланади.

Ёдгорликларни қисқа муддатли ижарага бериш орқали 4187 та тадбиркорлик субъекти жалб этилгани ва соҳавий жамғармага 27,9 миллиард сўм йўналтирилгани эса давлат-хусусий шериклик имкониятларидан фойдаланишга интилишни кўрсатади. Аммо бу ерда бир тамойил ўзгармаслиги керак: тадбиркорлик маданий меросга хизмат қилиши лозим, мерос тадбиркорликка эмас.

Ҳар қандай стратегия, рақамли платформа ёки замонавий технологиянинг самараси охир-оқибат инсон омилига, аниқроқ айтганда, соҳа мутахассисига бориб тақалади. Шу боис, Бухорода ихтисослаштирилган реставрация олий мактабини очиш, Археология институтининг ҳудудий филиалларини ривожлантириш, реставраторларни лицензиялаш тизимини жорий этиш каби таклифлар малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Зеро, қадимий обидани таъмирлаш оддий қурилишдан кескин фарқ қилади. Реставратор тарихни, материалшуносликни, меъморликни, археологияни ва ҳатто ўша даврнинг эстетик тафаккурини билиши ҳамда тушуниши керак.

Тошкент мозаика мактабини сақлашга қаратилган ихтисослаштирилган мозаика маркази ташкил этиш таклифи ҳам шу маънода истиқболлидир. У нафақат мавжуд меросни асраш, балки янги авлод усталарини тарбиялаш учун мактаб вазифасини бажаради.

Маданий мерос соҳасидаги барча ташаббусларни бир нуқтада бирлаштирувчи жиҳат бор. У ҳам бўлса тизимлилик. ЮНЕСКО билан ҳамкорликни кучайтириш, Миллий комиссия котибияти ваколатларини кенгайтириш, ижодий ва таълим берувчи шаҳарлар тармоқлари, ассоциациялашган мактаблар, ЮНЕСКО кафедралари, клублар ва глобал геопарклар тармоғидаги иштирокни мувофиқлаштириш Ўзбекистоннинг халқаро маданий макондаги иштирокини институционал жиҳатдан кучайтиради.

Шу нуқтаи назардан, 2027–2035 йилларга мўлжалланган Маданий меросни ривожлантириш стратегияси алоҳида аҳамиятга эга.

Унда рақамлаштириш, моддий ва номоддий меросни муҳофаза қилиш, маданий бойликларни репатриация қилиш, табиий меросни асраш ва реставрация соҳасини ривожлантириш каби йўналишларнинг бир тизимга бирлаштирилаётгани соҳанинг келажаги порлоқ эканидан даракдир.

Маданий меросни асраш ўтмишни шунчаки сақлаб қолиш эмас, балки уни замонавий тараққиёт билан уйғунлаштириб, келажак авлодларга муносиб тарзда етказишдир. Бу борадаги янги ёндашувлар Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий салоҳиятини асраш баробарида уни илмий, маърифий ва туристик жиҳатдан янада юксалтиришга хизмат қилади. Зеро, тарихий ва маданий меросини қадрлаган, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаган миллат қудратлидир.

---

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



МУАЛЛИМ — КАМОЛОТ КЎЗГУСИ

Холмурод САЛИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мактабда ўқиб юрган пайтлар устозларимиз биз, ўқувчилардан бирма-бир “Келажакда ким бўласан?” деб сўрарди. Бу саволга синфимизнинг аксарият ўғил-қизлари қатори мен ҳам “Ўқитувчи бўламан”, деб жавоб берганман. Бунга муаллимларга ҳавас қилганим, эҳтимол, ўша даврларда уларнинг ҳурмати анча юқори экани сабаб бўлгандир.

Орадан йиллар ўтди, иштиёқ сўнмади, фикрим ўзгармади. Танловимни ота-онам ҳам қўллаб-қувватлади. Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлишни орзу қилиб, олий ўқув юртига киришга тайёрлана бошладим. Айни йўналиш бўйича муайян муддат тайёрлов курсида ҳам ўқидим.

Кечагидек ёдимда, мактабни битириб, ҳужжатларимни Самарқанд давлат университетининг ўзим қизиққан факультетига топшириш учун навбатда турибман. Навбатим яқинлашмоқда, қарасам, ён томондаги стол устидаги қоғозга қизил рангда “Журналистика” деб ёзиб қўйилган. Аммо у жойда ҳеч ким йўқ. Шу ёзув ва таълим йўналиши оҳанрабодек ўзига тортгани туфайли ўша томонга тез-тез қараб қўяман, кимдир келиб қолади-ми деб.

Қисқаси, навбатда мендан олдин битта қиз қолди. Айни маҳал шу стол олдига бир жувон келиб, “Ҳурматли абитуриентлар, бу йилдан университетимизда журналистика бўлими очилди. Қизиқувчилар ҳужжатларини топшириши мумкин”, деди.

Иккиланиб қолдим. Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиш ўзим ва уйдагилар хоҳиши эди. Бироқ фикрим ўзгаряпти. Миямдаги ўйни амалга ошириш пайидаман. Буни ота-онамга билдириш ва розилик олиш учун қўнғироқ қиладиган қўл телефони йўқ у пайтлари. Вақт қисқа, қарор қабул қилиш лозим. Шу лаҳза тавакkал қилиб, ҳужжатларимни журналистика бўлимига топширдим. Янги очилган йўналишнинг илк абитуриенти бўлдим. Хуллас, ижодий имтиҳон ва тестдан етарлича балл тўплаб, талабалар сафига қўшилдим.

Ўқиб юрган пайтларим ижара уйда туриб таълим олиш, яшаш анча қийин эди. Шаҳарда уч-тўрт йил юриб, ўзимни тутиб олгач, ота-онамдан пул сўрашга тортинадиган бўлдим. Яширмайман, ўша йиллари оиламиз иқтисоди ҳам яхши эмасди.

Бир куни Самарқанд шаҳридаги 53-мактабда иш борлигидан хабар топдим. Эртасигаёқ шу даргоҳ директорига учрашдим, у киши ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси етишмаётганини айтиб, ёш ва тажрибасиз бўлишимга қарамай, бир ставка иш таклиф қилди. Хурсанд бўлдим. Аммо университетдаги дарсларни ўйлаб, 8 соат дарс менга кифоя қилишини айтдим. Келишдик, шу тариқа талабалик давридаёқ болалик орзум ушалиб, ўқитувчи сифатида иш бошлаганман.

Фаолиятим давомида мактаб ўқитувчилари хонасида ойлик маош камлиги ҳақида баъзи муаллимларнинг норози кайфиятдаги гапларини эшитганман. Ҳақиқатан, айни масала ва жамиятда касб обрўси тушиб бораётгани каби омиллар туфайли кўплаб (асосан эркаклар) педагоглар мактабни ташлаб, бошқа ишларга ўтиб кетганди. Улар ўрнига олинган муаллимларнинг аксари ўз фани бўйича мутахассис эмасди. Бу эса таълим сифати ҳамда муҳитга салбий таъсир кўрсатарди.

Ўқитувчиларни ғўза парвариши ва пахта теримига, турли бўлар-бўлмас йиғилишу мажлисларга, ҳатто кўча тозалаш каби ишларга жалб этиш кучайгани уларнинг бор обрўсини ҳам йўққа чиқарди. Булар — мен каби кўпчилик гувоҳ бўлган яқин йилларда-ги ҳолатлар. Яхшиямки, улар бугун ўтмишга айланди.

> **Ўқитувчилик — оддий касб эмас, балки миллатнинг келажагини, унинг маънавияти ва интеллектуал салоҳиятини шакллантирадиган буюк миссия. Бошқача айтганда, катта фидойилик ва сабр-тоқат талаб қиладиган, шарафли ва масъулиятли вазифа.**

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаши билан барча соҳа, жумладан, мактаб таълими ҳам катта ислоҳотларга юз тутди. Энг муҳими, ўқитувчилар елкасига офтоб тегди. Улар ўз ишига қайтди. Педагоглар шаъни ҳамда қадр-қимматини ҳимоя қилиш, касбий ривожланиши учун шароит яратиш давлатнинг устувор вазифаси сифатида мустаҳкамланди.

“Таълим тўғрисида”ги, “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонунлар, Президентимизнинг соҳага доир қатор фармон ва қарорлари бугун соҳа ривожига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи Азамат Камоловнинг маълум қилишича, ҳозирги кунда мактаб таълимида дарсликларни янгилаш, педагогларнинг узлуксиз касбий ривожланишини кучайтириш ҳамда мезонларга асосланган баҳолаш тизимини босқичма-босқич кенгайтиришга қаратилган ишлар давом этмоқда. Хусусан, “Касбий ривожланиш куни” ва “Касбий ривожланиш соати” амалиётлари орқали ўқитувчиларнинг замонавий методикаларни эгаллаши қўллаб-қувватланаётир.

Халқаро тажриба ва рейтинглардан келиб чиққан ҳолда соҳада амалга оширилаётган ўзгаришлар умумий ўрта таълим тизимида педагог кадрлар таркиби сифат жиҳатидан яхшиланиб боришига туртки берди. Маълумотларга кўра, 2016 йилда мактаблардаги олий тоифали ўқитувчилар 15 минг 807 (4,1 фоиз)ни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда 73 минг 217 минг (13,7 фоиз)га етган. Аввалари юртимизда “халқаро ўқитувчи” мақомига эга маҳаллий педагог бўлмаган. Айни кунда эса бундай мақомга эга касб эгалари, шунингдек, B2 ва ундан юқори даражадаги хорижий тил сертификатига эга педагоглар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Ислоҳотлар доирасида муаллимларнинг меҳнат стажи, илмий фаолияти, тоифасига қараб иш ҳақига қўшимча ва устамалар қўшиш тизими жорий этилди. Айни кунда мамлакатимизда 24 минг 289 педагог ўн миллиондан йигирма миллион сўмгача маош олмоқда.

Бугунги кунда ўқитувчиларнинг 310 минг нафари малака тоифасига эга. 70 мингдан кўпроғи олий, 110 минг 432 нафари биринчи, 129 мингдан зиёди иккинчи тоифали педагоглардир. Албатта, бу рақамлар кундан кунга ўзгариб бормоқда, бошқача айтганда, тоифа олаётган ёки мақоми ўсаётган муаллимлар сони ортмоқда.

— Болага таълим-тарбия берадиган ўқитувчининг ўзи, аввало, ҳар жиҳатдан етук бўлиши керак, — дейди Олтиариқ туманидаги ихтисослаштирилган мактаб директори, “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий унвони соҳиби Ҳамиджон Раҳимов. — Уларнинг билим ва малакасини, дарс ўтиш салоҳиятини синовдан ўтказадиган, баҳолайдиган, тоифа берадиган тизим амалиётга татбиқ этилгани юксак самараларини бермоқда. Бу тартибнинг ойлик маош ва фаолиятга ижобий таъсир қилиши ҳамкасбларимизни ўз устида кўпроқ ишлашга чорлайди, руҳлантиради. Бу яхши. Нега?! Чунки илми кучли ўқитувчилар сафи қанча кенгайса, билими мукаммал ўқувчилар шунча кўпаяди.

Мактабда қайсидир ўғил-қиз фаол ва истеъдодли, кимдир камгап, яна кимдир қобилиятини намоён қилишга тортинади. Яхши ўқитувчи эса ҳар бир боланинг ички имкониятини кўра олади, бир қарашда сезилмайдиган хислатини кашф этади, уни ривожлантиришга, билимини оширишга ҳаракат қилади. “Шам ўзини куйдириб, бошқаларга нур таратгани каби устоз ҳам ўз умрини фидо қилиб, шогирдларига билим нурини сочади”, дейди Жалолиддин Румий.

Ўқитувчининг “Сен уддалайсан!”, “Мен сенга ишонаман!”, “Сендан яхши натижа кутаяпман!” деган оддий сўзлари ўқувчида ўзига катта ишонч уйғотади. Йиллар ўтиб, у катта ютуқларга эришганда, унинг хотирасида ана шу сўзларни айтган устози чеҳраси гавдаланади. Буларни ҳаётим мисолида кўраман. Айтиш мумкинки, муаллим меҳнатини оддий фаолият билан ўлчаб бўлмайди. Унинг иш натижаси бир кун, бир ой ёки бир йилда эмас, йиллар давомида намоён бўлади.

Ўқитувчилик — оддий касб эмас, балки миллатнинг келажагини, унинг маънавияти ва интеллектуал салоҳиятини шакллантирадиган буюк миссия. Бошқача айтганда, катта фидойилик ва сабр-тоқат талаб қиладиган, шарафли ва масъулиятли вазифа.

Журналист ҳам, муҳандис ҳам, шифокор ҳам, давлат арбоби ҳам бир вақтлар ўқитувчи қўлида таълим олган. Шу маънода, муаллимнинг меҳнати бир инсон тақдири билан чекланиб қолмай, бутун жамият келажагига таъсир қилишини унутмаслигимиз лозим.

Бугун замонавий технологиялар шиддат билан ривожланмоқда. Таълимда янгича ўқитиш усуллари ва инновацион ёндашувлардан, сунъий интеллект имкониятлари, рақамли воситалардан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса ўқитиш жараёнини енгиллаштириб, ўқувчиларнинг тезкор билим ва турли ахборотлар олиши учун имкониятлар яратмоқда. Бироқ ҳеч нарса меҳрибон, билимдон ва касбига садоқатли ўқитувчининг ўрнини, ҳаётий тажрибаси ва шогирд қалбига йўл топиш қобилиятини тўлиқ боса олмайди. Чунки таълим марказида барибир инсон, унинг қалби ва тафаккури туради.

— Ўқитувчи қадрини юксалтириш фақат моддий қўллаб-қувватлаш билан чекланмаслиги керак. Унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, меҳнатини қадрлаш, жамиятда педагоглар нуфузини ошириш муҳим, — дейди Зангиота туманидаги “Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, собиқ педагог Саодат Фатҳиддинова. — Зеро, ота-оналарнинг устоз билан тез-тез мулоқоти ва ҳамкорлиги, ўқувчилар одоби, таълимга эътибор муаллим обрўси ҳамда меҳнати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўқитувчиликни жамиятимиздаги энг муҳим ва обрўли касбга айлантириш бўйича ишлар изчил давом этмоқда. Муаллимлар саломатлигини тиклаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида имконият ва имтиёзлар яратиб берилаётир. Тегишли тартибга кўра, ўн беш йил стажга эга бўлган олий тоифали педагогларга ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи қоплаб берилиши, давлат олийгоҳларига қабул қилинган муаллимлар фарзандларининг шартнома суммасига 30 фоиз чегирма жорий этилгани шулар жумласидандир. Бу ишлар янги Ўзбекистонда таълим тизимига, айниқса, фидойи касб эгаларига эътибор бутунлай ўзгарганидан далолат беради.

Албатта, ушбу имкониятлар мазкур шарафли касб эгаларига куч-ғайрат бағишлаш баробарида уларни янгидан янги марралар сари руҳлантирмоқда. Ўз устида кўпроқ ишлашга, тинмай изланишга чорламоқда. Жамиятда ўқитувчилик мавқеини оширмоқда. Зеро, “Устоз — отангдек улуғ” нақли бежиз пайдо бўлмаган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz.uz_news yuz.uz_news

Сўнгги ўн йиллик Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети учун ҳам, ўзбек алифбоси ва имлосини такомиллаштириш жараёни учун ҳам муҳим босқич бўлди.



Муносабат

ЎЗБЕК АЛИФБОСИ ИСЛОҲОТИ

Алифбо ҳақида гап кетганда, масалани фақат ҳарфлар шакли ёки сони билан боғлаш тўғри эмас. Алифбо, аввало, тилнинг фонетик табиатини ёзувда акс эттирадиган, таълим жараёнини тартибга соладиган, илмий ва маданий меросни авлоддан авлодга етказадиган ҳамда бугунги рақамли дунёда тилнинг технологик имкониятларини белгилайдиган муҳим тизимдир.



Саодат МУҲАМЕДОВА,
филология фанлари доктори, профессор

Шу маънода, алифбони такомиллаштириш масаласи бир неча ҳарфни алмаштириш ёки айрим график белгиларни ўзгартиришдан иборат оддий техник жараён эмас. Бу ўзбек тилининг келгуси тараққиёти, таълимдаги, илм-фандаги, ахборот-коммуникация технологияларидаги ва халқаро ахборот маконидаги мавқеи билан боғлиқ стратегик масаладир.

Бугун жамоатчилик орасида лотин ёзувидаги ўзбек алифбосини такомиллаштиришга оид турли фикрлар билдирилаётгани табиий. Чунки ёзув масаласи миллатнинг тарихий хотираси, маънавий қадриятлари ва миллий ўзлиги билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай ислоҳот сингари алифбо масаласи ҳам очиқ муҳокама, илмий баҳс ва турли қарашларни талаб қилади.

Бироқ бундай муҳокамаларда бир жиҳатни унутмаслик зарур: таклиф этилаётган ўзгаришлар кеча ёки бугун пайдо бўлган тасодифий ғоя эмас. Уларнинг замирида кўп йиллик илмий изланишлар, мутахассислар муҳокамалари, жамоатчилик фикрини ўрганиш, таълим амалиёти ва замонавий ахборот технологиялари талабларини таҳлил қилиш жараёни мавжуд.

Қарийб ўн йиллик изланиш

Сўнгги ўн йиллик Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети учун ҳам, ўзбек алифбоси ва имлосини такомиллаштириш жараёни учун ҳам муҳим босқич бўлди. Университетни ташкил этиш тўғрисидаги фармонда ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган академик ва ўқув грамматикаларини яратиш, товушлар тизими ва уларнинг ёзувда акс этишини такомиллаштириш, амалдаги имло қоидаларини мукаммаллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлаш каби муҳим вазифалар белгиланган эди. Ана шу вазифалар ижроси доирасида 2016 йилда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлосини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Унинг таркибига университет профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот муассасалари ходимлари, таниқли тилшунос олимлар, таълим тизими вакиллари ва бошқа мутахассислар жалб қилинди.

Кейинги йилларда алифбо масаласи фақат илмий доира ичида эмас, балки кенг жамоатчилик иштирокида ҳам муҳокама қилинди. Бу жиҳат алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ёзувдан фақат тилшунос фойдаланмайди. Ундан ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам, ёзувчи ва журналист ҳам, давлат хизматчиси ва ношир ҳам, дастурчи ва таржимон ҳам фойдаланади. Демак, алифбо барча қатламлар эҳтиёжини ҳисобга оладиган универсал тизим бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан, ишчи гуруҳ фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан бири турли манбалардан келиб тушган фикр ва таклифларни йиғиш, таснифлаш, илмий мезонлар асосида таҳлил қилиш ва умумлаштиришдан иборат бўлди. 2016 йилда ижтимоий тармоқда “Ўзбек тили жонкуярлари” гуруҳи ташкил этилиши ҳам бу жараённинг муҳим қисмига айланди. Мазкур майдон алифбо ва имло масалаларига доир турли қарашларни йиғиш, муҳокама қилиш ва саралаш имконини берди. Ишчи гуруҳга келиб тушган таклифларнинг кўпчилиги очиқ муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, турли йиғилишлар, илмий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар, давлат органларига юборилган мурожаатлар ва жамоатчилик муҳокамаларида билдирилган фикрлар ҳам ўрганилди. Демак, бугунги алифбо такомиллашуви билан боғлиқ қарашларни бирор шахс ёки бир гуруҳ олимларнинг субъектив хоҳиши сифатида баҳолаш илмий ҳақиқатга мос келмайди. Бу кўп йиллар давомида тўпланган тажриба, муҳокама ва таҳлилларнинг умумлашган натижасидир.

Муаммо қаерда эди?

Илмий изланишлар давомида амалдаги лотин алифбосининг қатор жиҳатлари алоҳида таҳлил қилинди. Айниқса, O‘, G‘, Sh, Ch ва ng нинг график ифодаси билан боғлиқ масалалар кўп йиллик муҳокамалар марказида бўлди. Аввало, O‘ ва G‘ ҳарфлари масаласига эътибор қаратайлик.

Илмий изланишлар давомида амалдаги лотин алифбосининг қатор жиҳатлари алоҳида таҳлил қилинди. Айниқса, O‘, G‘, Sh, Ch ва ng нинг график ифодаси билан боғлиқ масалалар кўп йиллик муҳокамалар марказида бўлди. Аввало, O‘ ва G‘ ҳарфлари масаласига эътибор қаратайлик.

Амалиётда O‘ ва G‘ ҳарфларини ёзишда турли белгилар қўлланиб келинган. Бир фойдаланувчи бир белгидан, иккинчиси бошқа белгидан, учинчиси эса клавиатурасида мавжуд бошқа вариантдан фойдаланиши мумкин эди. Натижада битта ҳарфнинг турли график кўринишлари пайдо бўлди. Бу масала фақат эстетик муаммо эмас. Турли график белгилар электрон қидирув тизимларида, маълумотлар базаларида, автоматик саралашда, матнларни қайта ишлашда ва рақамли платформаларда муайян қийинчиликлар туғдиради. Масалан, инсон кўзи учун бир-бирига яқин кўринган икки белги компьютер учун мутлақо бошқа кодга эга бўлиши мумкин. Натижада бир хил сўз турли шаклларда ёзилганда электрон тизим уни ягона бирлик сифатида қабул қилмаслиги эҳтимоли юзага келади. Бугунги рақамли даврда бундай муаммо кичик техник ноқулайлик сифатида қаралмаслиги керак. Чунки тил тобора кўпроқ электрон муҳитда яшамоқда.

Sh ва Ch: икки ҳарфми ёки бир товушми?

Амалдаги алифбодаги яна бир муҳим масала Sh ва Ch ҳарфий бирикмаларидир. Ўзбек тилида бу бирикмалар тегишли товушларни ифодалаши, бироқ график жиҳатдан икки ҳарф орқали ёзилиши алифбо ва товуш тизими ўртасидаги муносабатни мураккаблаштиради. Бу ҳолатни, айниқса, бошланғич таълим нуқтаи назаридан кўриб чиқиш муҳим. Биринчи синф ўқувчисига савод ўргатиш жараёнида одатда товуш ва ҳарф муносабати содда ва изчил тушунтирилади. Бола муайян товушнинг муайян график белгиси мавжудлигини англайди. Кейинчалик эса Sh ва Ch каби бирикмалар билан тўқнаш келади. Бу эса савод чиқариш методикасида қўшимча тушунтиришни талаб қилади. Масалан, бола бир товушни ифодаловчи бирликнинг икки график белгидан ташкил топганини ўзлаштириши керак бўлади. Тилшунос учун бу оддий назарий ҳодиса бўлиши мумкин. Аммо савод чиқараётган бола учун у қўшимча когнитив юклама демакдир. Шунинг учун алифбо масаласини фақат катта ёшдаги саводли инсон нуқтаи назаридан эмас, биринчи синф ўқувчиси кўзи билан ҳам кўриш зарур. Бу жиҳат алифбо ислоҳотининг таълимий аҳамиятини кўрсатади.

Ўзбек тилидаги ng товушининг ёзувда ифодаланиши ҳам узоқ йиллардан буён муҳокама қилиб келинаётган масалалардан биридир. Мазкур товушнинг график ифодаси, унинг алифбодаги мақоми, бош ҳарф шакли ва бошланғич таълимда ўргатилиши билан боғлиқ масалалар алоҳида илмий ва методик ёндашувни талаб қилади. Бу масаланинг яна бир томони рақамли технологиялар билан ҳам боғлиқдир. Бугунги кунда тил фақат қоғоздаги матн эмас. Электрон луғатлар, миллий корпуслар, қидирув тизимлари, нутқни автоматик таниш, матнни автоматик таҳлил қилиш, машина таржимаси ва сунъий интеллект тизимларида ҳам тил бирликларининг аниқ график ва кодлаш тизимига эга бўлиши муҳим. Шу сабабли алифбони такомиллаштириш масаласини компьютер лингвистикаси ва рақамли технологиялардан ажратиб кўриш мумкин эмас.

* * *

Бугунги кунда дунёда тилнинг рақамли мавжудлиги унинг тараққиёт кўрсаткичларидан бирига айланмоқда. Электрон луғат, миллий корпус, қидирув тизими, электрон ҳукумат, сунъий интеллект, автоматик таржима, нутқни таниш, овозли ёрдамчилар, таълим платформалари — буларнинг барчаси тилнинг технологик жиҳатдан стандартлаштирилган ёзув тизимини талаб қилади. Шунинг учун бугунги алифбо кечаги алифбодан фарқ қилади. Кечаги ёзув, аввало, китоб, газета ва қўлёзма учун хизмат қилган бўлса, бугунги ёзув компьютер, смартфон, интернет ва сунъий интеллект билан ҳам “мулоқот қилиши” керак. Шу маънода, алифбонинг ҳар бир белгиси технологик объект ҳамдир. Ҳар бир ҳарфнинг коди, унинг бошқа белгилар билан муносабати, қидирув тизимларида қандай тан олиниши, алифбо тартибида қандай сараланишти, маълумотлар базасида қандай сақланиши — буларнинг барчаси ёзув тизимининг замонавийлигини белгилайди. Демак, алифбони такомиллаштириш тилни рақамлаштириш жараёнининг ҳам муҳим таркибий қисмидир.

Янги график ечимлар

Алифбо ислоҳоти ҳақида фикр юритишда яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Баъзан таклиф қилинаётган айрим график шакллар ўзбек ёзуви анъаналарига бегона деган қарашлар билдирилади. Бироқ тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, бундай хулосага келиш учун етарли асос йўқлигини кўрамиз. 1929 йилда қабул қилинган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ҳам ўзбек тилининг фонетик хусусиятларини аниқроқ ифодалаш мақсадида махсус график белгилар қўлланган. Хусусан, Ş ş ҳарфи “sh” товушини ифодалаш учун ишлатилган. Демак, бугунги кунда муҳокама қилинаётган айрим график ечимлар ўзбек ёзуви тарихида мутлақо бегона ҳодиса эмас. Аксинча, улар туркий халқларнинг лотин ёзувлари тажрибаси ва ўзбек ёзувининг тарихий анъаналарига муайян даражада боғлиқ. Бу ерда муҳим методологик хулоса шуки, ёзув ислоҳоти тарихни инкор этмаслиги, балки тарихий тажрибадан фойдаланиб, замонавий эҳтиёжларга жавоб бериши керак. Жадидлар даврида бошланган ёзув ислоҳотларининг асосий мақсадларидан бири ҳам тилнинг ўзига хос хусусиятларини имкон қадар аниқ ва қулай ифодалаш эди. Шундай экан, бугунги ислоҳотни тарихий анъаналардан узилиш сифатида эмас, балки тарихий тажриба ва замонавий технологик эҳтиёжлар уйғунлашуви сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

* * *

Ўзбек алифбосини такомиллаштириш масаласи кейинги йилларда давлат тилига оид ҳужжатларда ҳам изчил давом эттирилди. Давлат тилининг нуфузи ва мавқеини оширишга, ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришга доир ҳужжатларда алифбо ва имлони такомиллаштириш масаласига муҳим вазифа сифатида қаралди. Бу эса алифбо ислоҳотининг фақат тор доирадаги лингвистик масала эмаслигини кўрсатади. У давлат тилини ривожлантириш сиёсатининг таркибий қисмидир. 2023 йилда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика илмий-назарий конференцияси ўтказилгани масаланинг илмий жамоатчилик учун долзарблигини кўрсатади. Конференцияда олимлар, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, давлат тили масалалари бўйича мутахассислар ва ОАВ вакиллари иштирок этган. Демак, алифбо масаласи йиллар давомида турли босқичлардан ўтиб, илмий ва жамоатчилик муҳокамаси асосида такомиллашиб борди.

Бош мезон — босқичма-босқичлик

Ёзув масаласида яна бир тамойилни унутмаслик керак: ҳар қандай ўзгариш босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. Чунки алифбо фақат дарсликларда мавжуд эмас. У давлат ҳужжатларида, бланкаларда, пешлавҳаларда, кўрсаткичларда, электрон маълумотлар базаларида, дастурий таъминотда, китобларда, луғатларда ва миллионлаб фуқароларнинг кундалик ёзишмаларида қўлланади. Шунинг учун янги график тизим жорий этилиши жамият ҳаётини издан чиқармаслиги, иқтисодий жиҳатдан ортиқча юк туғдирмаслиги ва таълим тизимида кескин узилишларга сабаб бўлмаслиги керак. Айниқса, дарсликларни табиий янгилаш жараёни билан уйғунлаштириш муҳим. Янги дарсликлар навбатдаги нашрларда янги график меъёрлар асосида босқичма-босқич чоп этилиши мумкин. Бундай ёндашув нафақат иқтисодий жиҳатдан мақбул, балки педагогик нуқтаи назардан ҳам қулайдир.

1929 йилда қабул қилинган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ҳам ўзбек тилининг фонетик хусусиятларини аниқроқ ифодалаш мақсадида махсус график белгилар қўлланган. Хусусан, Ş ş ҳарфи “sh” товушини ифодалаш учун ишлатилган. Демак, бугунги кунда муҳокама қилинаётган айрим график ечимлар ўзбек ёзуви тарихида мутлақо бегона ҳодиса эмас.

Қулайлик, аввало, болаларимиз учун

Алифбо ислоҳотига муносабат билдираётганда энг муҳим саволлардан бири қуйидагича бўлиши керак: биз бугунги катталарнинг одатини сақлаб қолиш ёки эртанги кун болаларига қулай ёзув тизимини яратиш ҳақида ўйлаяпмизми? Бу икки масала ўртасида катта фарқ бор. Бугун биз учун одатий бўлиб қолган график шакл эртага мактабга борадиган бола учун энг қулай вариант бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун алифбо масаласини фақат “мен бунга кўникиб қолганман” ёки “бу ҳарф менга ёқади” каби субъектив мезонлар асосида баҳолаб бўлмайди. Алифбо, энг аввало, бола учун ўрганишга қулай, ўқитувчи учун тушунтиришга содда, тил учун фонетик жиҳатдан асосли, жамият учун фойдаланишга қулай ва технологиялар учун қайта ишлашга мос бўлиши керак. Ана шундай кўп мезонли ёндашувгина алифбо ислоҳотининг ҳақиқий моҳиятини очиб беради.

Тилшунослик ва технология чорраҳасида

Бугун ўзбек тили олдида янги вазифалар турибди. Ўзбек тилининг миллий корпусини ривожлантириш, электрон луғатларни такомиллаштириш, машина таржимаси сифатини ошириш, сунъий интеллект тизимларини ўзбек тилига мослаштириш, овозли технологияларни ривожлантириш, ўзбек тилидаги рақамли контент ҳажмини кенгайтириш — буларнинг барчаси ёзув тизимининг техник жиҳатдан пухта бўлишини талаб қилади. Шунинг учун алифбо ислоҳоти масаласини келажакдаги технологияларни ҳисобга олмасдан ҳал қилиб бўлмайди. Бугун яратилаётган алифбо фақат бугунги компьютер дастурлари учун эмас, эртага яратиладиган дастурлар учун ҳам хизмат қилиши керак. Бугунги бола эса келажакда ўзбек тилида сунъий интеллект билан мулоқот қилади, электрон илмий базалардан фойдаланади, рақамли дарсликларни ўқийди, халқаро ахборот маконига чиқади. Демак, бугунги қарорларимиз унинг эртанги имкониятларига таъсир қилади.

Ўзбек алифбосини такомиллаштириш масаласи қарийб ўн йил давомида қилинган илмий изланишлар, турли даражадаги муҳокамалар, мутахассислар ва жамоатчилик фикрларини ўрганиш, таълим амалиёти ҳамда рақамли технологиялар талабларини ҳисобга олиш натижасида шаклланган жараёндир. Бу жараён давомида амалдаги алифбонинг O‘, G‘, Sh, Ch ва ng билан боғлиқ график, методик ва технологик жиҳатлари чуқур таҳлил қилинди. Масаланинг нафақат тилшунослик, балки таълим, нашриёт, электрон қидирув, маълумотлар базаси, компьютер лингвистикаси ва сунъий интеллект нуқтаи назаридан ҳам аҳамияти очиб берилди. Шу боис, бугунги алифбо ислоҳотига муносабат билдираётганда ҳиссиётдан кўра илмий далилга, одатдан кўра келажак эҳтиёжига, субъектив қарашдан кўра умумий миллий манфаатга таянишимиз керак. Албатта, ҳар бир ҳарф устида баҳслашиш мумкин. Ҳар бир график ечимни муҳокама қилиш, таклифлар билдириш мумкин. Илмий мунозара бундан кейин ҳам давом этиши табиий. Чунки илмий фикр баҳс ва далил орқали такомиллашади. Аммо асосий мақсад битта бўлиши керак: ўзбек тилининг фонетик табиатини аниқ акс эттирадиган, таълим учун қулай, имло жиҳатидан изчил, рақамли технологиялар билан уйғун ва келажак авлод учун хизмат қиладиган ёзув тизимини яратиш. Шу нуқтаи назардан, алифбони такомиллаштиришни оддий график ўзгаришлар мажмуи сифатида эмас, балки ўзбек тилининг замонавий тараққиёт стратегиясининг муҳим таркибий қисми сифатида баҳолаш лозим. Чунки алифбо шунчаки ҳарфлар тўплами эмас. У миллатнинг тафаккурини ифодалаш, илм-фанини ривожлантириш, маданий меросини сақлаш, таълим тизимини такомиллаштириш ва замонавий технологиялар билан мулоқот қилиш имконини берадиган воситадир. Алифбо кечаги куннинг мероси бўлиши мумкин. Аммо у, энг аввало, эртанги куннинг пойдевори бўлиши керак. Бугун биз алифбони ўзимиз эмас, ҳали мактабга бормаган болаларимиз, ҳали яратилмаган электрон луғатлар, ҳали ишлаб чиқилмаган дастурлар, ҳали шаклланмаган рақамли платформалар ва келажак авлод учун такомиллаштирмоқдамиз. Шунинг учун алифбо ислоҳоти алоҳида ҳарфлар ҳақидаги баҳс эмас. Бу ўзбек тилининг рақамли асрдаги тақдири, унинг илмий салоҳияти, таълимдаги қулайлиги ва келажак авлод олдидаги масъулиятимиз ҳақидаги масаладир. Тилга муҳаббат фақат мавжуд ҳолатни сақлаб қолишдан иборат эмас. Тилга чин муҳаббат унинг табиий имкониятларини чуқур англаш, уни замон талаблари билан уйғун ривожлантириш ва келажак авлодга янада мукаммал ҳолда етказиш масъулиятини ҳам ўз ичига олади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
29323 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:08 Топширилди — 23:55